№ 1
2018 йил

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

## ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ISSN: 2181-9416

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ







*“Алоҳида таъкидлаш зарурки, биз ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, ҳар томонлама билимли, юқори малакали, халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ишларини такомиллаштиришимиз керак.”*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Шавкат МИРЗИЁЕВ*

## 2017-2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

# ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

II. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларида хусусан:

2.5. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш"да назарда тутилган "суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш";

2.6. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш:

"давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш;

адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва хўжалик ишларини кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш;

нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш";

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 107 ва 108-бандларида назарда тутилган:

"Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятини такомиллаштириш, шу жумладан, масофавий таълимни амалга ошириш имконини берувчи замонавий видеоконференцалоқа тизими билан жиҳозланган унинг худудий филиалларини ташкил этиш;

Юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат талабларини ишлаб чиқиш."

## UZBEKISTAN'S ACTION STRATEGY ON FIVE PRIORITY DEVELOPMENT AREAS 2017-2021

II. Priority areas for ensuring the rule of law and further reforming of the judicial system

2.5. Further strengthening of the rule of law in the judicial system:

• effective planning and analysis of the results of the work of law enforcement and regulatory authorities, to identify and eliminate the causes and conditions of system violations;

• improving the system of training, recruitment, retraining and advanced training, rotation of the judiciary, law enforcement and regulatory authorities;

• introduction of modern mechanisms of institutional control on the prevention, suppression and prevention of crime among law enforcement and regulatory authorities;

• improving the efficiency of mechanisms of public control over the law enforcement and regulatory authorities' activities, the strengthening of public confidence in the law enforcement system.

2.6. Improving the system of legal aid and legal services:

• improving the efficiency of the legal services of public authorities;

• development of the legal profession, enhancing the role of a lawyer in criminal, civil, administrative and economic cases;

• reforming the system of notaries and registry offices.

## ПО ПЯТИ ПРИОРИТЕТНЫМ НАПРАВЛЕНИЯМ РАЗВИТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В 2017-2021 ГГ.

# СТРАТЕГИЯ ДЕЙСТВИЙ

II. Верховенство закона, реформирование судебно-правовой системы

2.5. Дальнейшее укрепление законности в судебно-правовой системе:

эффективное планирование и анализ итогов работы правоохранительных и контролирующих органов, выявление и устранение причин и условий системных нарушений;

совершенствование системы обучения, подбора, подготовки, переподготовки и повышения квалификации, ротации работников судебных, правоохранительных и контролирующих органов;

внедрение современных механизмов ведомственного контроля по предупреждению, профилактике и пресечению правонарушений среди работников правоохранительных и контролирующих органов;

повышение эффективности механизмов общественного контроля за деятельностью правоохранительных и контролирующих органов, укрепление доверия граждан к правоохранительной системе.

2.6. Совершенствование системы оказания юридической помощи и услуг:

повышение эффективности деятельности юридических служб государственных органов;

развитие института адвокатуры, повышение роли адвоката в рассмотрении уголовных, гражданских, административных и хозяйственных дел;

реформирование системы нотариата и органов записей актов гражданского состояния.

# ЯНГИ ҲУҚУҚИЙ МАЪРИФАТ МИНБАРИ

*Азиз ВАТАНДОШ!*

*Қўлингизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази муассислигида нашр этиладиган “Юрист ахборотномаси. Вестник юриста. Lawyer herald” илмий-амалий журналининг илк сони.*

*Баъзи бир ўқувчида айни пайтда мамлакатимизда 10 га яқин юридик журнал, 20 дан ортиқ ҳуқуқий газета нашр қилинаётган бўлса, мана шу йўналишдаги яна бир янги журналга қай даражада эҳтиёж бор эди, деган савол туғилиши мумкин.*

*Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ЎЗБЕКИСТОН тараққиётининг бугунги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқий ислоҳотлар ўз кўлами ва моҳияти нуқтаи-назаридан ниҳоятда улкан аҳамият касб этмоқда. Демак, бундай улкан ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, шу билан биргаликда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, шиддатли тус олган ислоҳотларга нисбатан дахлдорлигини кўтариш, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки зарур эканлигини тизимли равишда тарғибот ва ташвиқот қилиш муҳим рол ўйнайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев кўплаб маърузаларида ва чиқишларида “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган инсонпарвар тамойилни асосий стратегик ғоя сифатида илгари суради ва ҳаммамизни шу ғояни амалга оширишга даъват этади. Ушбу муҳим масалада қуйидаги фикрларини билдириб ўтади. “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.”*

*Бугунги кунда бутун дунёда рўй бераётган туб ўзгаришлар, манзараси кун сайин ўзгариб бораётган беқарор геосиёсий вазият, тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув шароитида мамлакатимиздаги демократик*





*янгиланишлар, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида стратегик истиқболни белгилайдиган том маънодаги концептуал ҳужжат “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг ҳам бош мақсади “ИНСОН МАНФААТИ”.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 13 апрель куни қабул қилинган “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони кейинги йиллардаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг янги бир босқичини бошлаб берди.*

*Тарихий аҳамиятга эга бўлган мазкур Фармон мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган “инсон манфаатларини амалда таъминлаш” борасида концептуал ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва шубҳасиз, Адлия органлари ва муассасалари ходимлари олдига алоҳида масъулиятли вазифаларни юклайди.*

*Мазкур журнал таҳририятининг асосий вазифаларидан бири, юқорида эътироф этилган Фармонда назарда тутилган “юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас”лиги билан боғлиқ масалаларни таҳлилий ёритиб, унинг ечими ҳақида тажрибали мутахассисларнинг асосли фикр-мулоҳазаларини саҳифаларида доимий равишда бериб бориш бўлиши керак.*

*Зеро, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида ягона муассаса бўлиб, унинг асосий вазифаси судьялар, адвокатлар, адлия органларининг ходимлари, давлат бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар юридик хизматларининг ходимлари (юрисконсультлар) малакасини ошириш, шунингдек судьяликка номзодларни қайта тайёрлашдан иборат.*

*Шунинг баробарида мамлакатимиздаги кенг кўламли ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича ёритиб бориш, ватандошларимизга “фуқаролик масъулияти”, “дахлдорлик ҳисси” каби инсоний бурчларга садоқат билан яшаш ҳар биримизнинг асосий мақсадимизга айланиши шартлигини сингдириб бориши мақсадга мувофиқ.*

*Мана шу йўлда таҳририят ходимларига муваффаққият тилайман.*

*Янги ҳуқуқий нашр ҳаммамизга муборак бўлсин.*

**Русланбек ДАВЛЕТОВ**
***Ўзбекистон Республикаси***
***Адлия вазири***

# "НОВАЯ ПРОСВЕТИТЕЛЬСКО-ПРАВОВАЯ ТРИБУНА"

*Дорогие соотечественники!*

*У вас на руках первый номер научно-практического журнала «Юрист ахборотномаси. Вестник юриста. Lawyer herald», изданного Центром повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан.*

*Может, у некоторых читателей возникает мысль о том, что в нашей стране, где уже издаются более 10 юридических журналов и 20 правовых газет, есть ли необходимость в новом журнале в данном направлении?*

*Стоит особо отметить, что на сегодняшнем этапе развития УЗБЕКИСТАНА правовые реформы, касающиеся обеспечения на практике прав, свобод и законных интересов граждан, своими масштабами и сущностью приобретают огромное значение. Значит, важную роль играет доведение до широкой общественности сути и значения масштабных реформ, наряду с этим повышение социально-политической активности населения, воспитание чувства сопричастности к происходящим прогрессивным реформам, системная и адресная пропаганда и агитация для активного участия граждан в государственном и общественном управлении.*



*Президент Узбекистана Шавкат Мирзиёев во многих своих докладах и выступлениях, в качестве основной стратегической идеи, продвигает гуманный принцип «Интересы человека превыше всего», и всех нас призывает претворять эту идею в жизнь. Глава государства не устает повторять, что нашей главной задачей должно стать в полном смысле слова претворение в жизнь справедливости, которую наш народ ставит превыше всего.*

*Главной целью концептуального документа «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017–2021 годах» тоже являются «ИНТЕРЕСЫ ЧЕЛОВЕКА». Этот документ, на фоне происходящих сегодня во всем мире коренных изменений, с каждым днем меняющейся нестабильной геополитической*

*обстановки, углубляющей3ся глобализации, определяет стратегическое будущее страны в процессе широкомасштабных реформ, осуществляющихся последовательно и прогрессивно демократическими обновлениями.*

*Указ Президента Республики Узбекистан от 13 апреля 2018 года «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики» положил начало новому этапу последующих правовых реформ.*

*Имеющий историческое значение данный Указ является концептуальным документом по «обеспечению на практике интересов человека», определенного приоритетным направлением внутренней и внешней политики страны. И, несомненно, возлагает ответственные задачи перед работниками органов и учреждений юстиции.*

*Основными задачами нового журнала является аналитическое освещение предусмотренных в вышеназванном Указе вопросов, где подчеркивается, что «сохраняется острая нехватка специалистов в сфере юриспруденции, прежде всего способных достойно представлять интересы Республики Узбекистан в международных и иностранных организациях, не налажена система подготовки юридических кадров по узким и профильным специальностям, востребованным в органах государственного и хозяйственного управления», а также публикация на постоянной основе обоснованного мнения опытных специалистов по*



*решению данной проблемы.*

*Ибо, Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан является ведущим учреждением по переподготовке и повышению квалификации юристов, и призван осуществлять обучение судей, адвокатов, работников органов юстиции, сотрудников юридических служб (юрисконсультов) органов государственного управления, предприятий, учреждений и организаций, а также проводит переподготовку кандидатов в судьи.*

*Вместе с этим, целесообразно укоренить понятие о том, что основательное освещение сути и содержания осуществляемых в стране широкомасштабных политико-правовых реформ, формирование у наших граждан ответственности – жить с чувством сопричастности, относиться ко всему с гражданской ответственностью должно превратиться в основную задачу каждого из нас.*

*На этом пути работникам редакции желаем больших успехов.*

*Всех поздравляю с появлением нового правого издания.*

**Русланбек ДАВЛЕТОВ**
*Министр юстиции*
*Республики Узбекистан*

# New Enlightenment and Legal Tribune

Dear compatriots!

You have in your hands the first issue of the scientific and practical journal "Yurist akhborotnomasi. Вестник юри-cma. Lawyer herald», published by the Lawyers' Training under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan.

Maybe some readers have the idea that in our country, where more than 10 legal journals and 20 legal newspapers are already being published, is there a need for a new journal in this direction?

It should be specially noted that at the present stage of development of Uzbekistan, legal reforms concerning the ensuring the rights, freedoms and legitimate interests of citizens are of great importance due to their scale and essence. Hence, the important role belongs to informing the general public on the essence and significance of large-scale reforms, along with increasing the socio-political activity of the population, fostering a sense of complicity to ongoing progressive reforms, systematic and targeted propaganda and agitation for the active participation of citizens in public and public administration.



The President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev in many of his reports and speeches, promotes the humane principle «Human interests above all else» as the main strategic idea, and call all of us to put this idea into practice. The head of state does not tire of repeating that our main task should be in the full sense of the word the implementation of justice, which our people put above all else.

The main goal of the concept paper «Strategy of Actions for the Five Priority Areas of Uzbekistan's Development in 2017-2021» is also «HUMAN INTERESTS». This document, on the background of the fundamental changes



taking place all over the world today, with unstable geopolitical situation changing every day, deepening globalization, determines the strategic future of the country in the process of large-scale reforms implemented consistently and progressively with democratic updates.

The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated from April 13, 2018 «On Measures for the Basic Improvement of the Activity of Justice Bodies and Institutions in the Implementation of State Legal Policy» marked the beginning of a new stage of subsequent legal reforms.

The decree of historic significance is a conceptual document on «ensuring human interests in practice», determined by the priority direction of the country's domestic and foreign policy. And, undoubtedly, it assigns responsible tasks to employees of justice bodies and institutions.

The main tasks of the new journal are analytical coverage of the issues specified in the above-mentioned Decree, which emphasizes that «there is an acute shortage of specialists in the field of jurisprudence, primarily capable of adequately representing the interests of the Republic of Uzbekistan in international and foreign organizations, the system of training legal personnel in narrow and profile specialties that are in demand in the bodies of state and economic management «, as well as the publication on a permanent basis of reasoned opinion of experienced professionals to tackle the problem.

The Lawyers' Training Centre under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan is the leading institution for the retraining and advanced training of lawyers, and is called upon to train judges, lawyers, justice officials, legal officers (legal advisors), government officials, enterprises, institutions and organizations also conducts retraining of candidates for judges.

At the same time, it is advisable to root the notion that a thorough coverage of the essence and content of large-scale political and legal reforms in the country, the formation of our citizens' responsibility to live with a sense of belonging, to treat everything with civil responsibility must turn into the main task of each of us.

On this way, we wish the editorial staff great success.

I congratulate all on the appearance of a new right-wing publication.

*Ruslanbek DAVLETOV*
*Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan*

# ҲУҚУҚ НИМА – ҲУҚУҚШУНОС КИМ?

*Тўғрисини айтсам ҳуқуқшунослик соҳасида қарийб эллик йиллик иш тажрибасига эга бўлсамда, баъзан инсоният маданий тараққиётининг ҳар қандай даврида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган ҳуқуқ нима-ю, ҳуқуқшунос ким, у қандай фазилатларга эга бўлиши керак, деган савол ҳақида ўйлаб қоламан. Айниқса, кейинги пайтларда мана шу борада жуда кўп мушоҳада юритаяпман. Бунинг сабаби, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг кўплаб маъруза ва чиқишларида илгари сурадиган "одамларни рози қилишимиз керак", "инсон манфаатларини амалда таъминлашимиз лозим" деган инсонпарвар ғояларидир. Шубҳасиз, "инсон манфаатларини амалда таъминлаш" ҳам, "одамларни рози қилиш" ҳам ҳуқуқ ва ҳуқуқшунос фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Юридик тил билан айтадиган бўлсак, қачонки, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари амалда таъминланса, у ўтаётган ҳаётидан рози бўлади.*

*Келинг, биринчи навбатда ҳуқуқ нима, ҳуқуқшунос ким деган саволга тарихий нуқтаи-назардан туриб мушоҳада юритайлик.*



**Ҳалимбой БОБОЕВ,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор*

**"Авесто" – ҳуқуқ манбаи**

Алоҳида таъкидлаш керак, Ўзбекистон илк давлатчилик тарихи билан бирга, ҳуқуқ тарихини яратган ва жаҳон цивилизациясининг ривожланишида, айниқса, давлатчилик ва қонунчилик маданиятининг тараққиётида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган мамлакатдир. Бунга асосий далиллардан бири сифатида, одамзотни бир неча асрлардан буён фақат яхшиликка чорлаб турган "ЭЗГУ СЎЗ", "ЭЗГУ ФИКР", "ЭЗГУ АМАЛ" ғояси билан суғорилган "Авесто" ёзма ҳуқуқий манбани келтиришимиз керак.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, умуминсониятнинг маънавий мулкига айланган "Авесто" инсоният тарихидаги бошқа динларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Шу соҳанинг етук олимлари илмий мулоҳазаларига кўра, "Авесто"даги ривоятлар ва тарихий этнографик маълумотлар қиёсича, зардуштийлик дини ва унинг пайғамбари Сипийтмон Зардушт асли туркий миллатга мансуб бўлиб, қадимги Хоразмга қарашли ҳудуд – Амударё соҳилида чорвачилик билан шуғулланувчи Сипитма уруғидан бўлган Порушапс ва Дагдуга оиласида таваллуд топган.



Унда меҳнат ҳуқуқига, шунингдек деҳқонлар, чўпонлар ва ҳунармандлар ҳуқуқларига бўлган эътибор жуда юксак даражада ўз аксини топган.

Айниқса, мулк ҳуқуқига нисбатан битилган қоидалар бугунги кунда ҳам ниҳоятда амалий аҳамият касб этади.

Эътибор қилинг, "Авесто"да кишиларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида лафздан қайтмаслик, берилган сўз (ваъда)нинг устидан чиқиш, мажбурият ва қасамга содиқ бўлиш, савдо-сотиқ ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш каби имонлилик ва диёнатлиликни англатувчи эзгу тушунчаларни кўрамиз. Ичган қасамни бузган одамнинг бу жинояти, яъни гуноҳи учун албатта жазога гирифтор бўлишидан ҳам огоҳ бўламиз. Масалан:

"Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга кўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир".

-Эй, дунёни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат! Қасамларнинг саноғи неча?

Ахура Мазда жавоб беради:

менинг қасамларим олтита:

биринчиси – сўз қасамидир;

иккинчиси – қўл қасамидир;

учинчиси – қўй қасамидир;

тўртинчиси – сигир қасамидир;

бешинчиси – одам қасамидир;

олтинчиси – экин қасами;

бу – энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин.

Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзнинг ўзи деб тасаввур этса, уни қўл қасами билан тузатиш ва қўл қасамининг товонини тўлаш керак.

Кимда-ким одам қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг тўққиз юзтасига тенгдир.

-Эй, дунёни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг мингтасига тенгдир.

-Эй, дунёни яратган Зот! Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андозаси нечукдир?

Аҳура Мазда жавоб беради:

уч юз қамчин аспаҳих-ҳашарта билан. Уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

Жиноят ва жазо масалаларида эса қуйида келтирилаётган бир қатор ҳуқуқий нормалар ўрнатилган эди. Хусусан, баъзи бир жиноятларни ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳолашда уларнинг объектив, яъни ҳаққоний томонини аниқлашга катта аҳамият берилган. Қасддан одам аъзоларига тан жароҳат етказилганда айбдор (гуноҳкор)ларга қуйидаги жазолар қўлланилган:



**"Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир".**



кимда-ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи “авауйрайшта”дир .

Кимда-ким ғараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи “аридуш”дир .

Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса у “пишавтану” бўлади.

Мана сизга “Авесто”да ўз аксини топган ҳуқуқий нормалар. Ушбу меъёрларга амал қилмаган инсонларга белгиланган жазо чоралари ҳам қатъий тарзда белгиланган. Кўриниб турибдики, унинг ғоялари, қонун-қоидалари асосий давлат мафкураси ва ҳуқуқий тизими сифатида қимматлидир.

“...Шунинг учун бўлса керак, - деб ёзади таниқли олим, юридик фанлар доктори, профессор Зиёдулла Муқимов, - одат ҳуқуқини - “одатларга асосланган нормалар тизими” сифатида таърифланади. Аммо, турк-ўзбекларда, аслида ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган одатлар бир-биридан фарқланмаган...”.

Бизнинг фикримизча, одат нормалари, уларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаганлари қанчалик бир-бирларига яқин бўлмасинлар уларни фарқлаш керак бўлади. Шу маънода ҳамма одат нормалари ҳуқуқий бўла олмайди. Фақат давлат томонидан маъқулланган, тан олинган ёки санкцияланган одатларгина ҳуқуқий саналади.

Шарқда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик ва қонунчилик маданияти бундан уч минг йил олдин пайдо бўлганлиги ҳамда уларни бири иккинчисиз яъни, давлат ҳуқуқсиз, ҳуқуқ эса, давлатсиз яшай олмаслиги “Авесто”да ўз исботини топган эди. Зотан, ҳуқуқ давлат фаолиятида ўта муҳим мустақил ижтимоий воқелик экан. У қадимги Туронда, бизнинг мамлакатимизда қандай пайдо бўлган ва ривожланган деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Айтиш керакки, одамлар ўртасида содир бўладиган муносабатларни азалдан одат нормалари (меъёрлари) тартибга солиб келган. Улар ёзма бўлмасдан, балки халқлар ҳаётида авлоддан-авлодга одат нормаларида ўтган ва такомиллашиб борган. Давлат пайдо бўлишида ана шу манбалардан, одат нормаларидан фойдаланилган. Давлат томонидан одат нормаларининг энг муҳим ва зарурларини фармон, қонун тарзида ёзма равишда расмийлаштирилган ва уларни барча фуқаролар учун бажарилишини қатъий қилиб белгилашган. “Ҳуқуқий одат” тушунчаси эса мана шу маънони англатади.

“Авесто”даги диний-ҳуқуқий ғоялар, таълимотлар асрлар давомида (ислом динига қадар) Турон, Эрон ва бошқа мамлакатлар халқларининг ҳуқуқий қарашларини, онгу-маданиятларини шакллантиришга катта туртки берган. Унинг қонун-қоидалари асосий ҳуқуқий тизим сифатида амал қилган.

Бир сўз билан айтганда, Зардушт “Авесто”да инсониятни эзгуликка олиб борувчи ва ёвузлик устидан ғалаба қилиб, адолатли жамият ва давлатга эришиш йўли қонун устуворлигида эканлигини айтган эди.

Бугунги кунда кенг маънода қўлланиладиган ҳуқуқшунос тушунчасига судья, прокурор, адвокат, нотариус ва бошқалар киритилади. Қадимда ҳуқуқшунос аксарият ҳолатда қози тушунчаси билан гавдалантирилган ва бу мансабга жуда қаттиқ талаблар қўйилган. “Мухтасар”, “Ҳидоя”, “Сиёсатнома”, “Темур тузуклари” каби мўътабар китобларда қози ҳам қалбан, ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши лозимлиги, адолатни қарор топтириш учун ўз ишига ниҳоятда катта масъулият билан ёндашиши шартлиги ҳақида батафсил ёзилган.

Қози сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғатда ижрочи, амалга оширувчи, ҳукм чиқарувчи маъноларини билдиради. Бу сўзнинг ўзаги қазо сў-

**Қози сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғатда ижрочи, амалга оширувчи, ҳукм чиқарувчи маъноларини билдиради. Бу сўзнинг ўзаги қазо сўзига боғланган, қазонинг луғавий маъноси эса, “кесиш”, “ажратиш”, “ҳукм қилиш” маъноларини билдиради.**

зига боғланган, қазонинг луғавий маъноси эса "кесиш", "ажратиш", "ҳукм қилиш" маъноларини билдиради.

Улуғ аллома, машҳур тарихчи Наршахий "Бухоро тарихи" асарида шундай ёзади. "Мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки – дейди Муҳаммад ибн Аъян, – Себавайҳ Бухорода қозилик қилганида (халқнинг) икки дирҳамига ҳам адолатсизлик қилмади", сўнг у яна: "Икки дирҳам кўплик қилади, у тарикча ҳам жавр ўтказмади", – дейди.

Мана сизга қозига, ҳуқуқшуносга берилган таъриф. Энди булардан ўзингиз хулоса чиқариб оласиз...

Фурсати келганда, ушбу соҳада қилишимиз лозим бўлган ишларимиз ҳақида ҳам баъзи бир фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламан.

Очиғини айтиш керак, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш масаласида жиддий ишлашимиз керак. Бугунги кунда, ҳуқуқшунос мутахассисларни тайёрлаш билан боғлиқ таълим муассасаларида амалий ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Айтайлик юридик соҳадаги лицей, коллеж, олий ўқув юрти, шунингдек, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Бош прокуратуранинг Олий ўқув курси каби таълим муассасалари доимий равишда, амалий ҳамкорликда иш олиб бориши керак.



Улуғ аллома, машҳур тарихчи Наршахий "Бухоро тарихи" асарида шундай ёзади. "Мен Абдуллоҳ Муборакдан эшитдимки – дейди Муҳаммад ибн Аъян, – Себавайҳ Бухорода қозилик қилганида (халқнинг) икки дирҳамига ҳам адолатсизлик қилмади"; сўнг у яна: "Икки дирҳам кўплик қилади, у тарикча ҳам жавр ўтказмади", – дейди.

Яқинда, пойтахтимиздаги юридик соҳадаги коллежга учрашувга бордим. Ўқувчилар билан яқиндан суҳбатлашдим. Фикрлари ёмон эмас. Лекин, уларнинг кийиниш маданияти ҳақида таълим муассасаси раҳбарияти бир ўйлаб кўриш керак. Фикрларим арзимаган, кичкинагина масала бўлиб туюлиши мумкин, лекин, бўлажак ҳуқуқшунос учун тарбия айнан мана шундан бошланади.

Давлатимиз раҳбари ҳам ўзларининг маъруза ва чиқишларида қонун устуворлигини таъминлашда соҳа ходимларининг маънавияти талаб даражасида эмаслиги ҳақида куюниб гапирадилар. Бу бежиз эмас. Айрим ҳуқуқшуносларимиз образли қилиб айтганда, адолат тарозисини қўлида ушлаганда, қўллари қалтираётганлари ҳам учраб туради. Ҳуқуқшуноснинг ҳеч қачон, "қўли ҳам, қалби ҳам қалтирамаслиги" шарт.

Муҳтарам Президентимиз 2017 йил 13 июнда судьялар билан ўтказилган одил судловни таъминлашнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, "Адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз "Куч - адолатда" деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришган. Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда", дея таъкидлаган эдилар.

Бугунги кун ҳуқуқшуноси амалиётда, ҳуқуқни қўллашда Ҳазрати Навоий айтганларидек, "либоси пок, дили пок, сўзи пок" бўлиб, юқорида келтириб ўтилган тарихий аспектлардан тегишли хулоса чиқариб, янги давр уларнинг олдига қўяётган талаблар даражасида ўз фаолиятига ёндашиши керак. Ана шунда Ўзбекистоннинг стратегик мақсади бўлган "ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ"ни амалда таъминлашга эришилади.

Мамлакатимиздаги барча ҳуқуқшунос ҳамкасбларимизга шундай масъулиятли касбига нисбатан ҳамма вақт садоқат билан ишлашларини тилайман...



**Акмал САИДОВ,**
***академик, директор Национального центра Республики Узбекистан по правам человека, д.ю.н., профессор***

# О соотношении юридической практики, науки и образования в контексте становления и развития отечественной юриспруденции

Термин "юриспруденция" имеет множество значений[1]. Он пришел на смену категории «Правоведение» относительно недавно и в настоящее время приобрел формальное значение. Вместе с тем, категории "юриспруденция" еще только предстоит найти свое место в общей системе юридических понятий и обрести собственное содержание, объект и предмет.

Генезис "юриспруденции" как комплексного социально-правового института обусловлен спецификой становления и развития национальной политической и правовой систем. Первоначально в любом обществе складываются общественные отношения, нуждающиеся в правовом регулировании и охране, а также получают свое юридическое оформление средства и методы, при помощи которых на практике реализуется регулятивно-охранительная и созидательная функция права. Право, как важнейший социальный институт, нацелено на преобразование общественных отношений. С развитием общества в сферу правового регулирования входят все новые и новые виды общественных отношений.

Таким образом, первичным этапом генезиса юриспруденции является период накопления разнообразного конкретного правового опыта в результате социально-правовой деятельности, направленной на обеспечение реализации субъектами права общественно-полезных возможностей, разрешение юридически спорных ситуаций, а также осуществления мер юридической ответственности за совершение социально-вредных противоправных деяний. Попытки осмысления, систематизации и классификации эмпирического юридического материала в данной области, в свою очередь, привели к появлению юридической науки, а соответствующая деятельность, связанная с последу-

ющей передачей полученных опытным путем знаний, умений и навыков другим представителям социума, детерминировала формирование и развитие системы юридического образования.

Вступление юриста на авансцену общественных отношений свидетельствовало о том, что «право пережило период детства и бесхитростного существования; юрист - неизбежный глашатай этого поворота в жизни права».

Феномен «юриспруденция» представляется целесообразным рассматривать в качестве комплекса взаимосвязанных и взаимообуславливающих содержательных государственно-правовых элементов, к числу которых следует отнести профессиональную юридическую деятельность, юридическую науку, юридическое образование.

Часто “юриспруденцию” представляют в качестве только юридической науки[2]. Между тем в действительности она в течение длительного времени, даже после того, как право стало писаным, не имела теоретического характера и существовала как сугубо практическая деятельность, необходимая для обслуживания механизма формирования и функционирования права, как совокупность практических юридических навыков обращения с правовым материалом.

Юридическая наука или теоретическая юриспруденция - высшая форма юриспруденции, возникшая в ходе сложного и длительного процесса развития правовой культуры. Первые элементы теоретической юриспруденции появились еще на ранних ступенях истории права, а именно тогда, когда на основе конкретных правовых понятий сформировались понятия общие, или абстрактные, и стали предприниматься попытки определить тот или иной правовой институт.

Таким образом, категория “юриспруденция” многозначна и имеет несколько аспектов.

Во-первых, под юриспруденцией понимают науку о государстве и праве, изучающую процесс и результаты правового регулирования и выдвигающую правовые идеи о возможности внесения прогрессивных идей в механизм и способы юридической организации общественных отношений.

Во-вторых, под юриспруденцией также понимают совокупность знаний о государстве, управлении, праве, наличие которых обеспечивает возможность профессионального занятия юридической деятельностью.

В-третьих, юриспруденцией называют практическое применение юридических знаний, практическую деятельность юристов.

В-четвёртых, под юриспруденцией понимают систему подготовки специалистов-юристов в юридических учебных заведениях.

Сегодня профессия юриста является не только одной из самых престижных. В этой связи, естественно, возникает вопрос:

Какое же количество юристов необходимо для насыщения рынка труда сегодня? Вряд ли может быть дан конкретный и однозначный ответ на него.

Возникают и иные вопросы: каким набором профессиональных качеств должен обладать современный юрист; как должны быть составлены учебные программы, обеспечивающие получение высшего юридического образования и профессиональную переподготовку лиц, уже имеющих высшее образование по иным профессиям; какой должна быть





методика преподавания в высшей юридической школе и т.д.

Ответы на некоторые злободневные вопросы сформулировать можно следующим образом.

Первое. Сегодня не только говорят о кризисе всей системы юридического образования, но и предпринимают попытки ее реформирования. В качестве составляющих кризиса называют дефицит профессорско-преподавательских кадров, падение уровня преподавания, снижение фундаментальных научных исследований и методической работы в юридических вузах, появление низкопробной учебной литературы по юридическим дисциплинам, несовершенство учебных планов и т. п.

Действительно, круг проблем, которые высшая школа неизбежно должна решить, широк и многообразен, среди них - проблемы уровня платного юридического образования; качества профессионального образования выпускников вузов и повышения квалификации кадров профессорско-преподавательского состава; сохранения и развития отечественной юридической науки и профессионального юридического образования в условиях повышения уровня международной открытости современного общества.

Второе. Следует учитывать и то, что происходит становление новых правовых механизмов, нашедшее свое проявление, в частности, в активном законотворчестве, имеют место качественные изменения в правосознании, включая и профессиональное. В таких условиях профессиональное юридическое образование, предполагающее формирование у студентов исключительно практических навыков, становится малоэффективным и бессмысленным. «Натаскивание» на действующие законы и практику их применения не может быть основой юридического образования.

Третье. При сохранении подготовки профессионалов для узкой сферы юридической деятельности, должно развиваться и университетское образование, основанное на серьезной фундаментальной, академической и юридической науке. Студент университета сможет стать специалистом высокого класса только при условии, когда он изучает юридические понятия, категории, конструкции и способы их выражения в разных правопорядках. Такие знания не устареют и через несколько лет, даже если изменятся ныне действующие законы.

Четвертое. Право все больше интегрируется в общественные отношения, усложняя их форму и содержание. Появляются новые отрасли и направления права и юридической практики, появилась тенденция к унификации правовых институтов в разных странах. Право становится важной общественной ценностью и регулятором повседневной жизни людей. Наконец, повышается правовая информированность и юридическая грамотность общества, требующие точных правовых знаний и их профессиональную реализацию. Соответственно, правовая жизнь вызвала к необходимости развитие такой сферы юридического образования, которое перестало быть элитарным и становится массовым и весьма престижным.

Это обусловлено, прежде всего, тем, что от состояния юридического образования во многом зависит подготовка высококвалифицированных юристов и качество осуществляемой ими правоприменительной деятельности, которая оказывает существенное воздействие на самые разные стороны развития общества, в том числе на экономику и культуру, социальные и политические факторы.

Пятое. В настоящее время юридическая профессия интегрирована во многие направления деятельности человека в обществе, включая три ветви – законодательной, исполнительной и судебной власти, органов государственного управления и власти всех уровней, руководство различными предприятиями, учреждениями, организациями, службу в правоохранительных органах, адвокатскую, нотариальную деятельность, работу юрисконсульта, бизнес-юриста, юриста-международника, юриста-экономиста, научную и преподавательскую деятельность.

Российский академик О.Е.Кутафин образно говорил, что “строить правовое государство без юристов - это все равно, что строить дом без строителей”.

Шестое. В условиях все глобализирующего мира правовые знания нужны любому человеку, ибо без юридически грамотных людей невозможно создать цивилизованное, свободное гражданское общество и строить подлинно правовое, демократическое, справедливое, эффективное и устойчивое государство.

Совсем не случайно Цицерон говорил: “Всякий кто хочет управлять государством, должен изучать науку права, ибо без этого никто не может быть справедливым”.

О роли юристов в решении правовых вопросов государственной и общественной жизни говорится в целом ряде международных документов. В сентябре 1990 г. на Восьмом конгрессе ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями приняты даже «Основные принципы, касающиеся роли юристов»[3].

В сентябре того же года в Нью-Йорке конференцией Международной ассоциации юристов приняты «Стандарты независимости юридической профессии». В этом документе сказано, что «справедливая система организации юстиции является абсолютно необходимой для построения и функционирования правового государства» и что «на представителей юридической профессии и государственные органы возлагается обязанность обучать и просвещать общество относительно принципов правового государства, значения независимой судебной системы и всей юридической профессии, информировать их о правах и обязанностях, а также о возможных и надлежащих способах их осуществления»[4].

Все эти международные положения однозначно свидетельствуют, что не только законодательная и правоприменительная деятельность, но и деятельность по подготовке юридических кадров должна гармонировать с принципами правового государства и задачами его построения.

По мнению большинства специалистов, в современных условиях востребованы не просто юристы-ремесленники, а юристы хорошо подготовленные, высококвалифицированные, обладающие незаурядными способностями выполнять свои обязанности в соответствии со статусом юриста. Необходимы юристы нового типа, юристы-личности, способные решать стоящие перед ними сложные и разнообразные задачи на новых принципах и в новых социально-экономических условиях.

Нужны юристы, творчески и оригинально мыслящие, понимающие и умеющие проводить в жизнь принцип приоритета общечеловеческих ценностей, включающих в первую очередь права, свободы и законные интересы человека; юристы, владеющие всей палитрой фундаментальных и специальных знаний, отвечающие всем параметрам модели юриста, привержен-



ные идеям правового государства, готовые смело и решительно бороться за здоровый образ жизни, за справедливость, законность, правопорядок и безопасность граждан в стране. Они должны быть безупречными и в нравственном отношении. Только такие юристы могут быть конкурентоспособными и востребованными на современном рынке труда.

Одновременно с этим в сфере юриспруденции наметились определенные проблемы. В этой связи хотелось бы выдвинуть следующие предложения:

1. Следует активизировать юридическую академическую мобильность, в том числе в рамках Болонского процесса.

2. Необходимо также принятие Концепции государственной политики в области юридического образования, правового обучения и воспитания, которая определяла бы приоритетные направления государственной политики в области подготовки юридических кадров в стране, предусматривала создание системы всеобщего, непрерывного и последовательного правового обучения и воспитания населения и закрепляла роль юристов в обществе.

3. Согласно Конституции Республика Узбекистан является полноправным субъектом международных отношений и признается приоритет общепризнанных норм международного права. Следовательно, студенты-юристы должны изучать и осваивать соответствующие международные акты, а их достаточно много. Более того, Генеральная Ассамблея ООН 10 ноября 2005 г. приняла Программу помощи ООН в области преподавания, изучения и распространения и более широкого признания международного права, согласно которой изучение международно-правовых актов должно занять надлежащее место в системе преподавания дисциплин во всех университетах.

4. Учреждение профессионального праздника юристов - «День юриста», независимо от сферы их профессио-



нальной деятельности. Свой профессиональный праздник юристы отмечают во многих странах мира. В некоторых он даже признан официально - на государственном уровне.

5. Возрождение профессионального сообщества юристов – Общества юристов Узбекистана.

6. Обновление шифров юридической науки, в частности, шифра «Права человека» (междисциплинарный на стыке Права, Социологии, Истории, Политологии).

7. Создание в системе Академии наук Республики Узбекистан Координационного совета по юридическим наукам.

## Использованная литература


1. В своем первоначальном значении латинская конструкция “jurisprudentia” представляет собой соединение двух аспектов, а именно: “juris” (право) и “prudentia” (предвидение, значение).

2. Трудно согласится с очень узкой квалификацией “юриспруденции” как всю совокупность знаний о государстве и праве в целом, которая должна заменить собой теорию государства и права.

3. Основные принципы, касающиеся роли юристов. Приняты восьмым Конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями Гавана, Куба, 27 августа – 7 сентября 1990 года. Источник: A/CONF.144/28/Rev.1, стр. 122–129.

4. См.: Международные стандарты адвокатской деятельности. Пособие. /Отв. ред. А.Гафуров. –Т.: Baktria Press, 2014. - С. 238-239; Профессиональная этика юристов: Сб. документов/ Сост. С.Г.Шеретов. – Алматы: НИЦ КОУ, 2008. - С. 21-22.

IOJT
INTERNATIONAL ORGANIZATION FOR JUDICIAL TRAINING



***Международная организация по подготовке судей (МОПС) была создана в 2002 году. Основное направление её деятельности – вопросы оказания методической поддержки учреждениям по переподготовке и повышению квалификации судей путем организации международных и региональных конференций, обсуждения стратегии развития юридической науки, совершенствования образовательного процесса и учебных программ, а также обмена опытом по улучшению методики преподавания.***

Международная организация по подготовке судей является международным объединением учебных заведений по подготовке судей и призвана предоставлять своим членам возможность учиться друг у друга, обмениваться новаторскими подходами по вопросам подготовки судей.

В ходе контактов в рамках Международной организации по подготовке судей обсуждаются как теоретические, так и практические стороны работы судей: повышение эффективности работы судей и судебных систем, особенности современного судопроизводства, стратегии эффективного распределения нагрузки, развитие подготовки судей и судебных работников, опыт по внедрению и применению международных документов, касающихся судей и судопроизводства.

В соответствии с Уставом МОПС, организация выполняет стоящие перед ней задачи посредством:

- поощрения и продвижения сотрудничества между её членами;
- содействия международному обмену информацией;
- организации международных, национальных и местных собраний и конгрессов;
- приготовления и распространения профессиональных материалов;
- разработки программ обучения и материалов;
- продвижения и проведения совместных исследований и др.

Руководящим органом организации является Генеральная ассамблея, состоящая из делегатов всех учреждений-членов. Очередные заседания Генеральной ассамблеи проходят один раз в 2-3 года, в ходе которых определяется политика организации, заслушиваются доклады руководителей, избирается руководство, а также региональные представители МОПС.

МОПС является некоммерческой корпорацией, зарегистрированной в Нью-Йорке и действующей в соответствии с законодательством об ННО США.

Одной из основных форм работы МОПС является организация международных конференций, на которых участники имеют возможность общаться, обсуждать направления сотрудничества и координировать работу по определению перспективных направлений развития юридической науки в сфере подготовки и переподготовки судей. На сегодняшний день было проведено 8 подобных мероприятий (Иерусалим, 2002г.; Оттава, 2004 г.; Барселона, 2007 г.; Сидней, 2009 г.; Бордо, 2011 г.; Вашингтон, 2013 г.; Ресифи, 2015 г.; Манила, 2017 г.).

Восьмая международная конференция, посвящённая вопросам образования судей, проходила 8-12 ноября 2017 года в г.Манила (Филиппины) и приняла Декларацию  о принципах судейского образования.

На сегодняшний день в Организацию вступили 129 институтa по подготовке судей из 79 стран мира. Подробная информация о деятельности МОПС размещена на сайте организации (www.iojt.org).

Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции стал членом МОПС в сентябре 2014 г. Президент МОПС Э.Ривлин осуществил визит в Узбекистан в мае 2014 г., член Совета управляющих МОПС, заместитель директора Национального института юстиции Болгарии С.Пашкунов принимал участие в работе международной конференции в сентябре 2016 г. в г.Ташкенте.

## ЯГОНА ДАВЛАТ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ:

# БОШ МАҚСАД ИНСОН МАНФААТЛАРИ

***Кейинги йилларда рўй бераётган давлат ва жамият ҳаётидаги шиддатли демократик ўзгаришлар, айниқса, унда Ўзбекистоннинг бош мақсадига айланган инсон манфаатларини амалда таъминлашда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш борасидаги ислоҳотлар кучли ривожланиш босқичига кирди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан қўйилган асосий вазифа, яъни мамлакатимизни ривожланган, замонавий, ҳуқуқий демократик давлатга айлантириш ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнида давлатнинг ҳуқуқий сиёсати том маънода ҳал қилувчи аҳамият касб этади.***




Шу нуқтаи-назардан олиб қараганда, Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелдаги "Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарасига жиддий таъсир кўрсатади.

Кузатилаяптики, бугунги кунда давлат ва жамият ҳаётида адлия органлари ва муассасалари муҳим роль ўйнамоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ташкил этилган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фуқаролар ва тадбиркорларга бир қанча қулайликлар яратди. Лекин, қилинаётган бу ишлар бугунги илғор, кун сайин ривожланиб бораётган замон талабларига тўлиқ жавоб бера олади, деб айтиш бироз мушкул.

Юқорида эътироф этилган Фармонда қайд этилганидек, ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, адлия органлари ва муассасалари фаолиятида ҳуқуқий ислоҳотларнинг юқори самарадорлик даражасига эришишга тўсқинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан, адлия органларининг туман (шаҳар) тузилмалари мавжуд эмаслиги бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланиш даражасининг чуқур ўрганилишига, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб

қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмаслиги билан боғлиқ жиддий муаммолар бор.

Журналимизнинг илк сонида нашр қилинаётган ушбу давра суҳбатида мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар хусусида соҳа мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



**Есемурат КАНЬЯЗОВ,**
***Адлия вазири ўринбосари – Тошкент давлат юридик университети ректори:***

– Биринчи навбатда сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда кечаётган туб ўзгаришлар жараёнида адлия органлари ва муассасаларининг фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштириш зарурияти борлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Мазкур Фармонда назарда тутилган “юриспруденция соҳасида, аввало, халқаро ва хорижий ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ифода этадиган мутахассисларнинг кескин етишмаслиги сақланиб қолмоқда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмас”лиги тўғрисидаги жиддий муаммога қисқа муддатда ечим топишимиз лозим деб биламан.

Фармоннинг 8-бандида белгиланган Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти ҳақида гапирадиган бўлсак, дастлаб унга асосий вазифа сифатида қўйилаётган бугун муҳим аҳамият касб этаётган қонунчиликни ва унинг тармоқларини ривожлантириш соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда илмий концепциялар асосида тегишли илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқиш, суд-ҳуқуқ, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммоларни қонуний ҳал этиш юзасидан хулоса ва тавсиялар тайёрлаш, қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда қатнашиш кабилар белгиланган. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун мавжуд интеллектуал илмий салоҳиятимизни бунга йўналтиришимиз лозим бўлади. Юридик соҳадаги тадқиқотчиларга илмий-амалий тадқиқотлар ўтказишлари учун ҳар томонлама шароитлар яратиб бериш лозим. Энг муҳими уларни асосли таклифлар тайёрлашларига йўналтиришни эътиборга олишимиз талаб этилади.

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган бўлишига қарамасдан, республика миқёсида суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги стратегик йўналишларини белгилаши ҳамда тегишли тартибда суд, прокуратура, ижро ҳокимияти, қонунчилик ҳокимияти фаолиятига доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаши назарда тутилмоқда.

Тадқиқот институтининг республикамизда мавжуд бошқа тадқиқот институтлари ёки халқаро ва етакчи хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан биргаликда тадқиқот тадбирларини олиб бориши фаолияти самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Энг ривожланган илғор хорижий давлатларнинг мазкур йўналишдаги марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилган. Хусусан, бу борада АҚШ федерал суд маркази (The Federal Judicial Center), Европа тадқиқотлар кенгаши (European Research Council), Олмон илмий-тадқиқот жамияти (DFG), Макс Планк илмий тадқиқотлар жамияти (MPG), Евроосиё қиёсий ва тадбиркорлик илмий-тадқиқот маркази (Россия Федерацияси), Япония таълим ва илмий-тадқиқот институти (The Legal Training and Research Institute of Japan), Корея ҳуқуқ маркази (The Korea Law Center) ва бошқа марказларни таъкидлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти давлат ҳуқуқий сиёсатини самарали амалга ошириш ҳамда ҳуқуқий бошқарув тизимини такомиллаштиришда амалий аҳамият касб этади.



**Худоёр МАМАТОВ,**
**Юристлар малакасини ошириш маркази директорининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори:**

– Ушбу Фармонда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини тушунтириш бўйича жойларда адлия органларининг иши лозим даражада ташкиллаштирилмаганлиги, бунинг натижасида эса, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданияти, айниқса, қишлоқ жойларда қониқарсиз даражада қолаётганлиги, бу борада тизимли чора-тадбирлар белгилаш лозимлиги қайд этилган.

Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, қабул қилинаётган қонунлардан уларни хабардор қилиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказининг асосий вазифалари сирасига киради.

Дарҳақиқат, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият билан чамбарчас боғлиқ эканлигини эътиборга олишимиз лозим. Аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш учун табиийки, ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилиши талаб этилади. Ўрни келганда Марказ томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, профессор-ўқитувчиларимиз томонидан 2018 йилнинг I-чорагида ҳуқуқий тарғибот тадбирлар режаси асосида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича оммавий ахборот воситаларида туркум чиқишлар қилинди.

Биз ҳуқуқий тарғибот билан боғлиқ турли тадбирларни кўпроқ вилоятларда, узоқ туманларда ўтказишга алоҳида эътибор қаратамиз. 2018 йилнинг 20 февраль куни Сурхондарё вилояти Термиз давлат университетида, 10 февраль куни Бухоро вилояти Бухоро давлат университетида, 28 март куни Андижон вилояти Тиббиёт коллежида ҳамда 29 март куни Андижон Давлат университетида ҳудудий адлия бошқармалари билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашда давлат органларининг ўрни ва роли”, “Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари”, “Одам савдоси масаласини халқаро ҳуқуқий ва миллий қонунчиликда ифодаланиши”, “Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият”, “Диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик” мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

2018 йилнинг 16 январь куни Марказда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари судьялари иштирокида “Янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмуни ва амалиётда қўллаш масалалари” мавзусида семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Марказ томонидан, айнан ушбу мақсадда сиз бугун илк сонини ўқиётганингиз қўлингиздаги уч тилда нашр этиладиган “Юрист ахборотномаси”, Вестник юриста. Lawyer herald” илмий-амалий журнали таъсис этилди.

Лекин, бу борадаги ишларимизни янада такомиллаштириш бугунги даврнинг муҳим талаби ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, тарғиботнинг энг замонавий усул ва воситаларидан фойдаланишимиз керак. Шунинг баробарида, ҳуқуқий ахборотни тарқатишни амалга оширувчи ва ундан фойдаланишни таъминловчи давлат органлари, муассасалари, бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигимизни кучайтиришимиз лозим.





**Салоҳиддин САТТАРОВ, Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи:**

## Янги ташкил этиладиган адлия бўлимлари

– Кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш ва мамнуният билан қабул қилинган Фармонга асосан туманлар (шаҳарлар)да адлия бўлимлари ташкил этилиши ҳамда уларнинг вазифалари белгиланди.

Адлия вазирлиги тизимида, шу кунга қадар мавжуд бўлмаган шаҳар-туман бўлимларининг ташкил этилиши мазкур Фармоннинг тарихий аҳамиятини янада оширади.

Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

ҳокимликларга ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг туманлар (шаҳарлар) тузилмаларига қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

давлат органлари ва ташкилотлари туман (шаҳар) тузилмаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш бўйича фаолиятига услубий раҳбарлик қилиш ва мувофиқлаштириш;

қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини туманлар тузилмаларидаги ижрочиларга етказиш, “республика-вилоят-туман-маҳалла” принципи бўйича ҳуқуқий тарғибот ва аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигига барҳам бериш борасида, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари билан биргаликда чора-тадбирларни амалга ошириш;

туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ва халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларини қонун ҳужжатларига, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги нуқтаи-назаридан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг барқарорлиги ва бирхиллигини таъминлаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг туман (шаҳар) тузилмаларида ҳуқуқий ишларнинг ҳолатини мониторинг қилиш, шунингдек, уларнинг юридик хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва методик таъминлаш белгиланди.

Адлия вазирининг 2018 йил 14 апрелдаги 116-ум-сонли буйруғига асосан туман (шаҳар) адлия бўлими бошлиғи ҳудудий адлия органи раҳбарининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири томонидан лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши, адлия бўлимининг қолган ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари томонидан суҳбат асосида лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

Мазкур буйруққа асосан вилоятимизда туман (шаҳар) адлия бўлими ходимларининг умумий сони 46 нафарни (Денов, Қумқўрғон, Жарқўрғон туманлари ва Термиз шаҳрида 4 та, бошқа туманларда 3 та штат бирлигини) ташкил этади.

Шунингдек, бўлим бошлиғи тумандаги давлат нотариал идоралари фаолиятини назорат қилади ҳамда раҳбарликни амалга оширади.

Ҳали амалиётда мавжуд бўлмаган бундай кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш осон эмас. Бунинг учун янги ташкил этиладиган туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимларининг ходимлари зиммасидаги вазифасига катта масъулият билан ёндашиши талаб этилади.

*Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармонда белгиланган муҳим вазифалар мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, кенг кўламли ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили сифатида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлашга хизмат қилади...*

**Давра суҳбатини**
**Мавлуда ПЎЛАТОВА тайёрлади.**

# Повышение квалификации юридических кадров: ПРАКТИКА И ПЕРСПЕКТИВЫ

***«Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», положившая начало новому этапу коренных демократических преобразований и модернизации страны, предусматривает также кардинальные меры по дальнейшему реформированию системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации юридических кадров.***

Высокий профессионализм юристов является важной гарантией обеспечения принципа верховенства закона, что предполагает повышение их квалификации на систематической основе. И забота о профессионализме юридических кадров красной нитью пронизывает концепцию судебно-правовой реформы, осуществляемых мер в данной сфере.

В Указе Президента Республики Узбекистан от 13.04.2018 г. « О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов и учреждений юстиции в реализации государственной правовой политики» особо отмечается, что «сохраняется острая нехватка специалистов в сфере юриспруденции, прежде всего способных достойно представлять интересы Республики Узбекистан в международных и иностранных организациях, не налажена система подготовки юридических кадров по узким и профильным специальностям, востребованным в органах государственного и хозяйственного управления».



В этой связи предусматривается организация качественно новой системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации юридических кадров, особенно по востребованным узким и профильным специальностям, внедрение инновационных форм и методов обучения специалистов в сфере юриспруденции, направление на системной основе юридических кадров в ведущие зарубежные образовательные учреждения.

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 11.04.2018 г. №ПП-3662 предусмотрено, что в Центре повышения квалификации юристов будут организованы специальные учебные курсы по повышению квалификации руководящих и других работников центров государ-

ственных услуг, обучению правовым основам разрешения спорных ситуаций, психологической подготовке к большим нагрузкам и улучшению культуры общения и оказания государственных услуг.

Центром совместно с Агентством государственных услуг осуществляется соответствующая работа, в том числе, по подготовке новых учебных программ, организации обучения на системной и постоянной основе.

В этой связи особую актуальность приобретает дальнейшее совершенствование образовательных стандартов в области юридического образования и критериев определения качества подготовки, переподготовки и повышения квалификации юристов, в том числе их компьютерная грамотность, умение использовать современные технологии в работе, знание иностранных языков, формирование навыков аналитического мышления и прогнозирования.

Таким образом, перед специализированными учреждениями, занимающимися подготовкой и переподготовкой юристов, встают задачи по соответствующей модернизации и оптимизации учебных программ, внедрении таких дисциплин, которые позволят юристам быть компетентными в вопросах работы с нормативными документами, электронными базами законодательства и современными технологиями.

Развитие системы повышения квалификации юридических кадров в Узбекистане должно осуществляться в ногу со временем и развивается в русле передовых мировых тенденций. В Узбекистане переподготовка и повышение квалификации кадров является самостоятельным этапом системы непрерывного юридического образования.

Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан занимает ведущее место в сфере переподготовки и повышения квалификации юридических кадров. Основная задача Центра - обеспечение повышения квалификации судей, работников судов, органов юстиции, адвокатуры, юридических служб предприятий, учреждений и организаций независимо от форм собственности, а также переподготовка кандидатов в



судьи.

В соответствии с профессиональной ориентацией Центр привлекает к ведению занятий видных ученых, специалистов, а также наиболее опытных практических работников Министерства юстиции, Верховного суда, Конституционного суда, Высшего судейского совета, Генеральной прокуратуры, Республиканского Центра судебной экспертизы, Палаты адвокатов и других государственных органов, учебных заведений и учреждений.

Ежегодно свыше 200 практикующих специалистов привлекаются к учебному процессу. В частности, в группах слушателей из числа судей и кандидатов в судьи около 65-70% учебной нагрузки выполняется судьями Верховного суда, а также ве-

дущими учеными, экспертами, психологами и др.

Организация обучения каждой категории слушателей осуществляется в соответствии со специально разработанными учебными программами, в которых учтены особенности юридических профессий, а также изменения действующего законодательства, уровень внедрения в работу современных IT-технологий, последние достижения правовой науки и практики.

Центром повышения квалификации юристов ведётся непрерывная работа по совершенствованию учебных программ, проводится глубокая научно-исследовательская работа, оценка новых технологий и научно-технических новинок для внедрения в работу судов.

Продолжительность курсов повышения квалификации составляет

2 недели. Длительность курсов переподготовки кадров составляет 3 месяца.

Одним из важных направлений деятельности Центра повышения квалификации юристов является профессиональное судебное образование.

Профессиональное судебное образование в Узбекистане осуществляется в следующих видах:

1. Специальные 3-х месячные курсы переподготовки кандидатов в судьи.

2. Обязательная подготовка и стажировка впервые назначенных судей.

3. Постоянные курсы повышения квалификации судей.

Совершенствование нормативных актов в сфере переподготовки и повышения квалификации позволило сделать обучение более адресным. В настоящее время значительно расширено количество образовательных программ повышения квалификации, изменилась их структура. Естественно, изменилось и содержание программ. К примеру, если ранее программа для судей и кандидатов в судьи состояла из 3 блоков предметов, то теперь она рассчитана на 7 учебных модулей по всем отраслям законодательства.

Модули учитывают все потребности слушателей. Они представлены следующими направлениями: «Политико-правовые и социально-экономические реформы, осуществляемые в Узбекистане», «Международно-правовые стандарты отправления правосудия», «Организационно-правовые основы отправления правосудия», «Практика рассмотрения дел в судах», «Судейская этика», «Судебная психология», «Изменения и дополнения, нововведения в действующее законодательство».

Данная система направлена на обеспечение тесной связи теоретической подготовки с правоприменительной деятельностью, а также формирование у судейских кадров профессиональных навыков, в том числе по использованию электронных доказательств.

При разработке учебных программ, особое внимание было обращено на практическую направленность занятий. Так, из общего количества учебных часов практическим занятиям посвящены 60% учебной нагрузки, семинарским занятиям – 30 %, лекционным занятиям – 10 %.





В образовательный процесс внедрены прогрессивные педагогические методы и технологии интерактивного обучения (метод «case study», метод «ролевая игра»), изучения судебных актов, освоение информационно-коммуникационных технологий, электронных образовательных ресурсов и мультимедийных презентаций. Так, в обновленные программы включены практические занятия по разрешению конкретных дел из судебной практики, составление процессуальных документов, написание проектов приговоров, решений, постановлений, определений суда по заданной фабуле дела.

В учебном зале судебного заседания Центра проводятся имитационные судебные процессы в форме ролевых игр. Цель ролевой игры – сформировать у слушателей навыки системного анализа обстоятельств дела, проверки и оценки доказательств. Сама ролевая игра приводит слушателя к осмыслению причин ошибки, допущенной судом (по сценарию ролевой игры). Все это фиксируются на видеокамеру. К проведению таких занятий привлекаются наиболее опытные судьи Верховного суда и судов города Ташкента.

Данные занятия осуществляются на основе современных инновационных методов обучения, включая обозрение судебной практики, рассмотрение конкретных казусов на основе ролевых игр, а также подготовки образцов судебных актов и процессуальных документов.

В этих целях Центром заключено более 10 соглашений о сотрудничестве с научными, образовательными, аналитическими, просветительскими учреждениями, судебными органами страны в рамках которых осуществляется участие в образовательном процессе опытных специалистов. Так, между Центром и Ташкентским городским судом по уголовным делам заключен Меморандум о сотрудничестве. В соответствии с совместным планом в здании Центра с участием слушателей-кандидатов в судьи проводятся выездные судебные заседания районных судов по уголовным делам г. Ташкента.

В целях обеспечения слушателей учебно-методическими материалами Центром систематически осуществляется подготовка практических пособий для судей. Так, подготовлены и изданы мультимедийное пособие «Права человека и справедливое судопроизводство», учебные пособия «Права человека», «Судебные органы зарубежных стран», «Международные стандарты адвокатской деятельности», «Гражданский процесс», Сборник международных договоров и законодательства Республики Узбекистан в сфере борьбы с коррупцией, и др. В 2009 г. при поддержке Координатора проектов ОБСЕ в Узбекистане был открыт Ресурсный центр



по правам человека, в котором сосредоточены электронные ресурсы и литература в сфере прав человека, документы ООН, ОБСЕ и других международных организаций.

В процессе учёбы, наряду с совершенствованием теоретической подготовки слушателей, особое внимание придаётся и закреплению практических навыков. В этих целях организовываются встречи и «круглые столы» в палатах Олий Мажлиса Республики Узбекистан, Министерстве юстиции, Конституционном, Верховном суде, Национальном центре по правам человека, Офисе Омбудсмена, в ходе которых слушатели имеют возможность встретиться с законодателями, судьями и практиками, лучше ознакомиться с деятельностью данных органов, законодательным и судебными процессами.

Центром установлены двусторонние связи с профильными учебными центрами по повышению квалификации судей США, Германии, Венгрии, Словакии, России, Швеции и других стран. В январе 2018 года подписан Меморандум о сотрудничестве с Академией правосудия при Верховном суде Республики Казахстан. В этих целях осуществляется обмен визитами, налажена практика организации специальных занятий для слушателей по актуальным вопросам законодательства и практики его применения с участием зарубежных экспертов. Центр также, совместно с международными партнерами, организуют специализированные тренинги (борьба с пытками, торговлей людьми, экстрадиция, тактика допроса и т.д.). Только за последние 3 года проведено более 20 международных мероприятий с участием более 30 зарубежных экспертов из США, стран Европы, СНГ, Азии, которые выступили перед слушателями нашего Центра.

В 2014 году Центр стал членом Международной организации по подготовке судей, объединяющей на сегодняшний день 129 институтов по подготовке судей из 79 стран мира.

Центр также придает большое значение участию в совершенствовании законодательства путем научных разработок. В настоящее время нами реализуются четыре научных гранта Министерства инновационного развития, направленные на исследование вопросов совершенствования законодательства и правоприменительной практики в сфере общественного контроля, противодействия коррупции, деятельности юридических служб.

Методология обучения направлена на максимальное приближение учебного процесса к правоприменительной практике. Если говорить о формах занятий, то девизом Центра является фраза: «Мы никого не учим, мы учимся друг у друга». Понятно, что обучение взрослых людей с опытом работы не может быть основано на авторитете преподавателя, с навязыванием своей точки зрения. Как правило, это лекции – дискуссии с двусторонним обменом мнений, семинары-диспуты, «круглые столы», которые обычно проходят с участием судей Верховного суда, зарубежных специалистов.

**Мирзатилло ТИЛЛАБАЕВ,**
**директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан**



**Омон ОҚЮЛОВ,**
***Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор***

# ЗАМОНАВИЙ ЮРИСТ ПОРТРЕТИГА Чизгилар

***Адабиётларда юрист — махсус юридик маълумотга эга бўлган, юридик билимли, амалдаги қонунчиликни билувчи, уларни амалий фаолиятда қўллаш кўникмасига эга бўлган шахс сифатида тасвирланади. Жамиятда ҳуқуқ тартибот ва ҳуқуқ нормалари вужудга келгандан бошлаб, унга мувофиқ махсус мутахассис - юрист касби шаклланган. Бугунги кунда барча мамлакатларда ижтимоий хаётнинг турли жабҳаларини тартибга солувчи жуда улкан норматив массив амал қилмоқда. Шу сабабли ҳам юрист буларни барчасини батафсил, аниқ, равшан ўз хотирасига жойлаши мумкин эмас. Бинобарин, шуни аниқ ишонч билан айтиш мумкинки, ўтмишда бўлганидек, универсал, қомусий юристлар даври ўтди. Замонавий юрист одатда юриспруденциянинг муайян соҳасига ихтисослашган мутахассисдир.***

Шунга қарамай замонавий юрист юриспруденциянинг асосий тушунчалари ва категорияларини яхши билиши, миллий қонунчилик тизими сегментлари тўғрисида аниқ, равшан тасаввурга эга бўлиши, мамлакатда амал қилаётган сиёсий тизим, ҳуқуқ тартибот, одил судлов, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича муайян касбий малакага эга бўлиши шарт.

Унинг юрист сифатидаги малакаси ва касб-кор кўникмалари нафақат касбий фаолиятида, балки ижтимоий хаётда, оилада, жамиятда ва у иштирок этадиган бошқа ижтимоий муносабатларда ўз ифодасини топмоғи лозим.

Замонавий юрист ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётининг асосий йўналишларини кузатиб боради, даврий юридик нашрларга обуна бўлади, ахборот коммуникацион технологияларни яхши билади, тегишли ҳуқуқий ахборот манбалари билан танишиб боради. Замонавий юристда ёзма ва оғзаки нутқ кўникмалари ва маданияти юқори даражада шаклланган, адабий тил ва юридик иборалар ва атамаларни ўз ўрнида қўллаш кўникмаси мавжуд.

Замонавий юрист ижтимоий хаётда фаол, қонунларга итоаткор, маънавий ва ахлоқий қадриятларга риоя қилувчи зиёли шахсдир. Шу сабабли ҳам унда хар хил авантюрага нисбатан иммунитет шаклланган, асоссиз таваккалчиликка мойил эмас, ҳис-ҳаяжонга берилмайди, ўз фаолиятида ҳуқуқ нормалари ва фактларга асосланиб иш кўради.





**Дилшод АРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази директори — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси ўринбосари**

# МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКС:

# ТАҲЛИЛ ВА ҚИЁС

***Суд тизимининг босқичма-босқич демократлаштирилиши, судларнинг янада ихтисослашуви, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётганислоҳотлар асосини ташкил этади.***

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари асосида 2017 йил 1 июндан Ўзбекистон суд тизимида маъмурий судлар ташкил этилиб, улар юрисдикциясига оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати берилди, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати тузилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ҳар

бир ҳудудида жами 218 та маъмурий судлар (267 та судьялик штати) ташкил этилиб, фаолият юритмоқда.

Маъмурий судларни ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунлар ишлаб чиқилиб, суд амалиётига тадбиқ этилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги ЎРҚ-462-сон "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонуни билан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси тасдиқланди ҳамда 2018 йил 1 апрелдан қонуний кучга киритилди.

Мазкур кодекс 4 та бўлим (умумий қоидалар, биринчи инстанция судида иш юритиш, суд ҳужжатларини қайта кўриш, суд ҳужжатларини ижро этиш), 29 боб ва 288 та моддадан иборат бўлиб, Кодекс фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилади.

Шу кунга қадар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар эса жиноят ишлари бўйича судлар томонидан амалга оширилаётган эди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниб, кучга киргунига қадар маъмурий судларда оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган суд ишларини юритиш Фуқаролик процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодексида белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилиб, бунда маъмурий судларга давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоят ва аризалар бўйича ишлар тааллуқлидир.

Мазкур Кодекснинг 27-моддасида маъмурий суд томонидан ҳал этиладиган ишлар рўйхати аниқлаштирилиб, унга кўра маъмурий судлар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низоларни, давлат бошқаруви, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширувчи, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, сайлов комиссияси, нотариал ва ФХДЁ органлари, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича низолашиш, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоятларни, шунингдек қонун билан ваколатига киритилган бошқа низоларни ҳал қилади.

Бунда кўриладиган масалалар ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилади, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса, иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга эса йўл қўйилмайди.

Судловга тегишлилик хусусида ҳам бир қатор қоидалар белгиланиб, хусусан, судга тааллуқли ишлар туман (шаҳар) маъмурий судлари томонидан кўрилиши, истисно тариқасида биринчи инстанция суди сифатида:

Олий суд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш ҳақидаги ишларни;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий суди давлат сири билан боғлиқ бўлган ишларни кўриб чиқади.

Ушбу Кодексда илк маротаба суд таркибини шакллантириш тартиби белгилаб берилган бўлиб, унга кўра муайян ишни кўриш учун суд таркиби судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, суд таркибини шакллантиришга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, шунингдек автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади.

Кодекснинг 23-моддасида маъмурий суд ишларини юритишнинг иштирокчиларини рад қилиш борасида янгилик сифатида прокурорни, экспертни, мутахассисни, суд мажлиси котибини, таржимонни рад қилиш суднинг ташаббусига кўра ҳам кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган. Ушбу қоида суд мажлисининг холис ва беғараз ўтказилишига, адолатли ва қонуний қарор қабул қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, амалиётда судьяларни бир неча марта рад қилиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, айни бир асослар бўйича такроран рад қилиш ҳолатлари тартибга солинмаган эди. Кодекснинг 23-моддасида айни бир шахс томонидан айни бир асослар бўйича такроран рад қилиш билдирилиши мумкин эмаслиги, такроран рад қилиш билдирилган тақдирда, у кўриб чиқилмаслиги белгиланди.

Амалдаги процессуал қонун ҳужжатларида мутахассиснинг ҳуқуқий ҳолати ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланмаганлиги боис, иқтисодий судлар амалиётида ишни кўришда бирон-бир мутахассиснинг фикрини олиш зарур бўлган ҳолларда ушбу мутахассис фаолият юритадиган ташкилот ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилиниб, унинг фикри ўрганилганидан сўнг ҳам кейинги суд мажлисларида иштирокининг таъминланмаслиги суд қарорини бекор қилинишига олиб келарди. Ёки мутахассис ёрдамида аниқланиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан суд томонидан экспертиза тайинлаш орқали эксперт хулосаси олинар эди. Эндиликда Кодексда одил судловни амалга оширишга кўмаклашувчи шахс сифатида мутахассиснинг ҳуқуқий мақоми, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланиб, унга кўра, маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш ва илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам кўрсатиш йўли билан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда кўмаклашиш мақсадида фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билим ва кўникмаларга эга бўлган, вояга етган, иш натижасидан манфаатдор бўлмаган шахс суд мажлисида ёки процессуал ҳаракатларда иштирок этиш учун суд томонидан мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин.

Тарафларнинг далилларни тақдим этиш ва исботлаш мажбурияти бўйича ҳам янги қоида белгиланиб, маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилди. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.

Эътиборли жиҳати шундан иборатки, агар тараф суд томонидан талаб этилаётган далилни ўзида ушлаб турган ва суд сўрови билан белгиланган муддатда уни тақдим этмаётган бўлса, ундаги маълумотлар шу тараф манфаатларига қарши қаратилган деб фараз қилинади ва у томонидан тан олинган, деб ҳисобланади. Бу эса, суд процесси тарафларининг тенглигини ҳамда давлат органлари томонидан тегишли далилларни мажбурий тартибда судга тақдим этилишини таъминлайди.

Кодекснинг 8-бобида дастлабки ҳимоя чоралари белгиланган бўлиб, унда дастлабки ҳимоя чораларини кўриш асослари, турлари, аризани кўриб чиқиш тартиби, ижросини таъминлаш ва бекор қилиш

асослари белгиланган. Амалиётда дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги аризани судлар томонидан кўриб чиқилишида маълум тушунмовчиликлар мавжуд эди. Ушбу ҳолатга чек қўйиш мақсадида Кодекснинг 95-моддасида аризани кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари белгилаб қўйилди.

Хусусан:

дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза аризачи томонидан ариза (шикоят) билан бирга берилган ҳолларда уни кўриб чиқиш аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш билан бир вақтда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмасдан суд томонидан амалга оширилади;

дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза суд мажлиси чоғида берилган тақдирда, у шу мажлисда кўриб чиқилади;

агар дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги ариза иш юритиш жараёнида берилган бўлса, у келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмай кўриб чиқилади.

Маъмурий судлар томонидан суд харажатларини тақсимлаш борасида ҳам амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқли равишда қоидалар белгиланган. Жумладан, Кодекснинг 115-моддасида давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар томонидан юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган ёки улар қисман қаноатлантирилган тақдирда, давлат божи манфаатлари кўзланиб ариза тақдим этилган шахслардан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундирилиши белгилаб қўйилди.

Амалдаги қонунчиликка кўра бундай ҳолларда давлат божи ундирилмас эди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўришда суд томонидан ишда иштирок этувчи шахсларни тегишли тартибда суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш масаласини ҳал қилишда бир қатор муаммолар мавжуд эди. Айниқса, ишда иштирок этувчи шахснинг юридик ёки яшаш манзилига юборилган суд чақирувининг унга топширилмаганлиги процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши деб топилиб, суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўларди. Қонунчиликдаги ушбу бўшлиқ тўлдирилиб, Кодекснинг 125-моддасида ишда иштирок этувчи шахслар қуйидаги ҳолларда суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланиши аниқ белгилаб қўйилди:

ажрим йўлланган шахс ажримнинг кўчирма нусхасини олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

суд томонидан юридик шахснинг судга маълум бўлган охирги жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган ажримнинг кўчирма нусхаси олувчи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси судни хабардор қилган бўлса;

ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса.

Суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарорини қабул қилади. Суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётган маслаҳатхонага бошқа шахсларнинг кириши, шунингдек, суд таркибига кирмайдиган шахслар билан мулоқотда бўлишнинг бошқа усуллари таъқиқланиши ҳақидаги қоида Кодексга киритилган янги нормалардан бири ҳисобланади.

Кодексда ҳал қилув қарорига нисбатан ҳам талаблар белгиланган бўлиб, унга кўра ҳал қилув қарори бир нусхада тузилади ва ишга қўшиб қўйилади. Суд ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаларини топширилганлиги маълум қилина-

диган буюртма хат орқали ишда иштирок этувчи шахсларга ҳал қилув қарори эълон қилинган кундан эътиборан беш кун ичида юборади ёки тилхат олиб топширади, ушбу шахсларнинг электрон почта манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса, ҳал қилув қарори электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Кодекснинг 3-параграфи ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши ва уни ижрога қаратишга бағишланган. Жумладан, ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан йигирма кун ўтгач, қонуний кучга киради (165-модда), шундан сўнг ижрога қаратилади, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларга доир ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилади (167-модда).

Шунингдек, суд мажлиси баённомасига қўйиладиган талаблар, унинг мазмуни бўйича ҳам бир қатор янги қоидалар белгиланган. Хусусан, Кодекснинг 175-моддасида суд мажлиси аудио-видеоёзувга олинган ёки видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тақдирда, суд мажлисининг баённомасида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар, баённомага қўшиб қўйилиши лозим бўлган воситалар алоҳида белгиланган.

Кодексда белгиланган янги қоидалардан бири бу – судга мурожаат этиш муддатларининг белгиланганидир. Кодекснинг 186-моддасига биноан маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида, давлат ижрочисининг қарорини ҳақиқий эмас, ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги ариза (шикоят) эса ўн кун ичида судга берилиши мумкин.

Судда ишни кўриш муддатларига ҳам аниқлик киритилиб, умумий қоидага кўра суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугалланиши, сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқилиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқилиши лозим.

Бундан ташқари, суд ҳужжатлари устидан шикоят бериш муддатлари ҳам белгиланди. Жумладан, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин. Ушбу муддат ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан сўнг кассация шикояти учун олти ой, назорат шикояти учун бир йил деб белгиланган.

Апелляция ва кассация инстанцияси судлари қуйи инстанция судининг қарорини фақат бир ҳолатда, яъни агар ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлса, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақлидирлар.

Назорат инстанцияси суди эса юқоридаги асосдан ташқари, агар суднинг арз қилинган талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилмаган бўлса ҳал қилув қарори, қарорни бекор қилиб, ишни янгидан

кўриш учун юборишга ҳақли.

Ишлар назорат тартибида фақат иш апелляция ёки кассация тартибида кўрилганидан сўнг кўриб чиқилиши мумкин. Иш назорат тартибида Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан – суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятлар (протест) бўйича, Олий суд Раёсати томонидан эса – Кодекснинг 249-моддасида кўрсатилган шахсларнинг протестлари бўйича кўрилади.

Назорат шикояти Олий суд судьяси томонидан ўрганилиб, натижаси бўйича беш кунлик муддатда шикоятни қайтариш, қабул қилишни рад қилиш, ўттиз кунлик муддатда шикоятни судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш, шикоятни иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажримлардан бири чиқарилади.

Бунда Олий суднинг раиси ёки унинг ўринбосари назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримига қўшилмасликка ҳамда назорат шикоятини берган шахснинг аризаси асосида уни бекор қилиш ва иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли.

Кодекснинг 163-164-моддаларига мувофиқ ҳал қилув қарорини тушунтириш, шунингдек ёзувдаги йўл қўйилган хатоларни ёки арифметик хатоларни тузатиш тўғрисидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларни, давлат ижрочисини ёки суд ҳужжатини ижро этиш зиммасига юклатилган бошқа органларни белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўрилиши белгиланди. Аввалги Хўжалик процессуал кодексига кўра бундай аризалар судья томонидан якка тартибда ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмаган ҳолда ҳамда суд мажлисида муҳокама этилмасдан ҳал этилар эди.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш бўйича ҳам бир қатор янгиликлар мавжуд. Жумладан, Кодекснинг 269-моддасига кўра суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришнинг асосларидан бири сифатида ишда иштирок этувчи шахснинг ёки унинг вакилининг ёхуд судьянинг мазкур ишни кўриш чоғида содир этилган, суднинг қонуний кучга кирган нафақат ҳукми, балки ажрими билан аниқланган жиноий қилмишлари ҳам асос бўлиши амалиётда мавжуд бўшлиқни тўлдиришга олиб келди.

Бундан ташқари, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкинлиги белгиланди. Аввалги Хўжалик процессуал кодексига кўра қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилинмаслиги амалиётда турли суиистеъмолчиликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, янги қабул қилинган Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс фуқаро ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ишончли ҳимоя қилувчи қонун ҳужжати сифатида хизмат қилади.



**Fumito SATO**
**associate professor,**
**Nagoya University**

# Japanese Experience in Legal Training*

I. Introduction

From late 1990s, Japan undertook the wide-ranging judicial system reform. In this context, a series of new legal institutions were introduced in 2000s, including introduction of a lay judge system in criminal cases (2009), establishment of the Intellectual Property High Court (2005) and so on. Legal training and education systems also became its main topic. Those systems experienced radical changes in these 10 years, and one of their most prominent event was introduction of "American-style" law school systems in 2004. Since then, ten years passed and its aftermath is heatedly discussed among practitioners and academia.

In this presentation, I would like to talk about recent institutional changes in legal training in Japan. First, I would like to illustrate the legal training and education system before the judicial reforms in 2000s. In the second part, I will focus on the Japanese law school system and their today's problems. Third, I want to talk about the judicial training systems, mainly for judges and supplementarily for public prosecutors. Lastly, I would like to summarize my presentation briefly.

II. Legal training and education system before judicial reform

Japan was influenced by civil law traditions and the legal education is taught for undergraduate students. Most of them became company workers or civil servants. Those, who wish to enter the legal profession, must first pass the National Bar Examination, introduced after WWII as a unified examination for judges, prosecutors and attorneys. As of qualifications for applicants, they were not required to have undergraduate degrees of law (LL.B.). The successful test-takers could enroll, as legal apprentices, in the Legal Training and Research Institute (hereafter "LTRI"), a training facility affiliated to the Supreme Court, and it was the only institution, which provided professional legal skills (for example, drafting skills or how to defend clients). Legal apprentices participated in various courses offered by the LTRI for 2 years, and during trainings, they found a job in law farms, courts or the public prosecutors office (see, graph 1).

*Presentation paper at the International Roundtable "Issues of Improving the System of Training, Retraining and Advanced Training of Lawyers" (Tashkent, May, 2014)*




**Graph 1**

The annual number of new lawyers, who complete these courses, was about 500 (by 1980s) to 800 (in 1990s). The total number of lawyers in Japan was also so small as compared with western countries like the US, Germany or France. This means that the judiciary played somewhat modest role in dissolving disputes in the society.

At the same time, a serious problem was revealed as a defect of the legal training systems, known as a selection of future lawyers "at a point". Here, "point" implies the above-mentioned Bar Examination, which is held once a year. Pass rate of this examination was approximately 2 percent and it was the toughest examination in Japan. Because the large number of postgraduates didn't become lawyers, the legal education in universities was not designed for the Bar Examination. So many test takers attended cram schools to prepare it efficiently. Curriculums of them were designed only to answer the test questions. So it was often criticized that many successful candidates lucked the ability to adopt new situations flexibly or they didn't satisfy the demands from business activities.

From the late 1990s, the voices appeared especially among the business world to strength the role of the judiciary. Because it was a hot topic to deregulate administrative controls over business activities and replace it by control of courts. To modify the legal education systems and increase the number of lawyers was also strongly demanded. In this context, the government decided to introduce new legal training systems in 2002.

III. Legal training in Law Schools: from "point" to "process"

The main proposal of the government is to establish new law schools and amend the Bar Examinations. Its key concept is that new legal trainings should operate "as a process". In other words, professional legal education must not be concentrated to preparing the Bar Examination. Now, law schools are expected to attract students from diverse backgrounds. All candidates (applicants) for the Bar Examination have to complete law schools , and candidates are expected to acquire basic practical skills through these educational "processes".

On April 1, 2004, 68 new law schools opened as three-year graduate schools . Then they increased to 74, and accepted approximately 6,000 students each year. New law schools provide various courses, based on the case method or Socratic Method, together with traditional lectures. Main Subjects of law schools include public law (constitutional law and administrative




**Graph 2**

law), civil law (civil law, commercial law and civil procedure law), criminal law (criminal law and criminal procedure law), legal ethics, labor law, foreign law and so on.

Those, who graduate from law schools, can take the Bar Examination three times. If they pass it, they can enroll in the LTRI. Now, the LTRI provides one-year practical training course. It consists of 8 months of field training (civil trial, criminal trial, public prosecution, and advocacy for 2 months on each field), 2 months of field training based on legal apprentices' choices, and 2 months of collective training. At the end of this course, students take the final examinations.

The introduction of law school system contributed, in one aspect, to broaden students' perspectives. For example, after the large earthquake hit the northeast coast of Japan and nuclear disaster in Fukushima occurred in 2011, students of a law school set up supporting project with professors. They organized interviews to all civil servants of Namie town, most of whose territory was declared as evacuation zone, and succeeded in preserving their memories in organized form. Now, they also try to support inhabitants' ADR applications for compensation.

Besides such a good practice, Japanese law school system faces serious challenges now. In 2004, 72,800 students applied for admission and 5,767 students enrolled in it. But in 2014, Applicants was only 13,900 and those, who enrolled in law schools were 2,698. This shows a significant decline in the number of applicants. Some law schools, which could not attract enough applicants, ceased to exist and to maintain quality of students is a difficult task for all of them. The most plausible reason of such circumstances is low pass rate for the new Bar Examination. For example, of 8,387 applicants 2,102 passed in 2012. The pass rate was about 25%. Today, rigorousness of the competition and future uncertainty prevent many students from entering into legal professions.



Now, the law school system is an object of thorough review. Comparing the number of attorneys with those in the West, some argue that the number of successful candidates for the Bar Examination must increase (see, graph 3).

Graph 3: Number of legal practitioners and populations 2010/2011[3]

| | USA | | UK | Germany | France | Japan |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | U.S.courts | State courts | | | | |
| Population | 311,591,917 | | 55,240,500 | 81,751,602 | 65,350,181 | 127,799,000 |
| Judges (per capita (100,000)) | 32,501 (10.43) | | 3,726 (6.75) | 20,411 (24.97) | 5,931 (9.08) | 3,686* (2.88) |
| | 1,823(1.75) | 30,678(9.85) | | | | |
| attorneys (per capita (100,000)) | 1,146,668 (368.00) | | 125,997 (228.09) | 155,679 (190.43) | 54,273 (83.05) | 32,134 (25.14) |

This number includes summary court judges.

Actually, in these several years, the number of successful candidates has been limited to about 2,100. But it is also true that number of attorneys is gradually increasing (see, graph 4) and many legal apprentices confront difficulties in finding a job. This situation is repeatedly reported in the press.

**Graph 4: the number of attorneys from 1994-2013[4]**

| year | number |
|---|---|
| 1994 | 14,809 |
5.4. Судья суд ходимлари ёки судьянинг таъсири остидаги, унинг бўйсунувидаги ёхуд унинг назоратидаги бошқа шахслар суд томонидан кўрилаётган иш бўйича, мазкур шахсларга тааллуқли бўлмаган ҳар қандай асосларда табақалашган (дифференциал) тарзда ёндашувда бўлишларига онгли равишда йўл қўймаслиги лозим.

5.5. Судья суд муҳокамасида иштирок этаётган адвокатлардан ишга тегишли бўлмаган асослардан келиб чиқиб, ўз сўзи ёки хулқ-атвори билан ғаразгўйлик ёки олдиндан инониб хулоса чиқариш ҳолларини намоён этишдан тийилишни талаб қилади, бундан суд муҳокамаси предмети учун ҳуқуқий аҳамиятга молик ва қонунан оқланиши мумкин бўлган ҳоллар мустасно.

### *Олтинчи кўрсаткич*
### *Билимдонлик, сидқидиллик ва интилувчанлик принципи*

***Билимдонлик, сидқидиллик ва интилувчанлик судьяларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларининг зарурий шарти ҳисобланади.***

## Қўллаш

6.1.Судьянинг судьялик вазифалари унинг бошқа барча фаолият турларидан устувор саналади.

6.2. Судья ўзининг профессионал фаолиятини судлов вазифаларини бажаришга бағишлайди, булар суд муҳо-



камасида судлов ва лавозим вазифаларини бажариш ҳамда қарорлар қабул қилишдан ташқари судья лавозимига ва судлов фаолиятига дахлдор бошқа вазифалар бажарилишини ҳам ўз ичига олади.

6.3. Судья судьялик вазифалари ва мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун зарур бўлган билимлари доирасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, амалий тажриба ва фазилатларини мукаммаллаштириш мақсадида суд назорати шароитида, судьялар учун мақбул бўладиган таълим воситалари ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда оқилона чоралар кўради.

6.4. Судья халқаро қонун ҳужжатларидаги тегишли янгиликлардан, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари борасида амал қилувчи нормаларни белгилайдиган халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардан мунтазам равишда хабардор бўлиб турмоғи керак.

6.5. Судья судьялик вазифаларининг барчасини бажариши, шу жумладан, кечиктирилган қарорларни оқилона, адолатли ва етарлича жадаллик билан қабул қилиши керак.

6.6. Бутун суд муҳокамалари давомида судья тартибни сақлайди ва одоб қоидаларига риоя қилади, у суд мажлисининг тарафларига, ҳакамларга, гувоҳларга, адвокатларга ва ўзининг расмий мақомида муомалада бўладиган бошқа шахсларга муносабатда ўзини оғир-вазмин, иззат-ҳурмат ва назокат доирасида тутиши керак.

Судья тарафларнинг қонуний вакилларидан, суд ходимлари ҳамда судьянинг таъсири остидаги, унинг бўйсунувидаги ёки унинг назоратидаги бошқа шахслардан ҳам худди шундай хулқ-атвор ва муносабат талаб қилиши керак.

6.7. Судья судлов вазифаларини сидқидилдан, интилувчанлик билан бажаришига монанд бўлмаган фаолият билан шуғулланмаслиги даркор.



## АМАЛГА КИРИТИШ

*Судьялик вазифасининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, миллий судлов органлари мазкур принципларни амалга киритиш механизмларини жорий қилиш учун, башарти бундай механизмлар уларнинг юрисдикциялари доирасида мавжуд бўлмаса, самарали чора-тадбирлар қабул қилмоғи зарур.*

## АТАМАЛАР ТАЪРИФИ

*Мазкур принципларни баён қилишда ишлатилган атамаларни, контекстда маъно бўйича бошқача талқинга йўл қўйиладиган ёки талаб этиладиган ҳолларни истисно этганда, қуйидаги мазмунда тушуниш лозим:*

*суд ходимлари - судьянинг бевосита бўйсунувидаги ходимлар, шу жумладан, судда иш юритувчилар;*

*судья - судлов ваколати берилган ва шу йўналишда ҳар қандай тарзда таърифланадиган шахс;*

*судьянинг оила аъзолари – судьянинг хотини (эри), ўғли, қизи, ўгай ўғли, ўгай қизи ҳамда судьянинг уйида яшаётган ва унинг ҳамкори бўлган ёки ёлланиш асосида судьяга хизмат қилаётган шахс;*

*судьянинг хотини/эри – судьянинг танмаҳрами, оилавий ҳамдам-ҳамкори ёки судья билан жуда яқин шахсий алоқадаги бошқа шахс.*

**Манба: E/2006/99(SUPP). Б. 82-88**

## Фойдаланилган адабиётлар


1. БМТ Бош Ассамблеяси 2200 A XXI Резолюцияси
2. БМТ Бош Ассамблеяси 2200 A XXI Резолюцияси
3. Қаранг: Жиноятнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала бўйича БМТ еттинчи Конгресси, Милан, 1985 йил 26 август - 6 ноябрь: Котибият томонидан тайёрланган маъруза (БМТ нашри), I боб, D2 бўлим, илова.



# DECLARATION OF JUDICIAL TRAINING PRINCIPLES

## PREAMBLE

On 8th November 2017, the members of the International Organization for Judicial Training (IOJT), composed of 129 judicial training institutions from 79 countries, have unanimously adopted the following declaration.

The declaration sets out guiding principles for judicial training that reflect how IOJT members conceptualize and strive to implement judicial training. The principles are both the common base and the horizon uniting judicial training institutions throughout the world, regardless of the diversity of judicial systems.

The IOJT encourages all judicial training institutions and all actors involved in judicial training to use these principles as a foundation and source of inspiration, and also as a common framework guiding their judicial training activities. The IOJT also encourages judicial training institutions to support each other in the implementation of this declaration.

## PRINCIPLES

1. Judicial training is essential to ensure high standards of competence and performance. Judicial training is fundamental to judicial independence, the rule of law, and the protection of the rights of all people.



## INSTITUTIONAL FRAMEWORK

2. To preserve judicial independence, the judiciary and judicial training institutions should be responsible for the design, content, and delivery of judicial training.

3. Judicial leaders and the senior judiciary should support judicial training.

4. All states should:

(i) Provide their institutions responsible for judicial training with sufficient funding and other resources to achieve their aims and objectives;

and

(ii) Establish systems to ensure that all members of the judiciary are enabled to undertake training.

5. Any support provided to judicial training should be utilized in accordance with these principles, and in coordination with institutions responsible for judicial training.

## TRAINING AS PART OF THE JUDICIAL ROLE

6. It is the right and the responsibility of all members of the judiciary to undertake training. Each member of the judiciary should have time to be involved in training as part of their judicial work.

7. All members of the judiciary should receive training before or upon their appointment, and should also receive regular training throughout their careers.

## TRAINING CONTENT AND METHODOLOGY

8. Acknowledging the complexity of the judicial role, judicial training should be multidisciplinary and include training in law, non-legal knowledge, skills, social context, values and ethics.

9. Training should be judge-led and delivered primarily by members of the judiciary who have been trained for this purpose. Training delivery may involve non-judicial experts where appropriate.

10. Judicial training should reflect best practices in professional and adult training program design. It should employ a wide range of up-to-date methodologies.



**Толеш КАУДЫРОВ**
*д.ю.н., профессор, ректор Академии правосудия при Верховном суде Республики Казахстан*

## ВОСЕМЬ СТРАТАГЕМ ПРОЕКТА ЗАКОНА РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН

# «ОБ АДВОКАТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ЮРИДИЧЕСКОЙ ПОМОЩИ»

***Сфера оказания юридической помощи населению - это та чувствительная сфера, которая существенным образом влияет на формирование общественного сознания, отношение общества к закону, праву, государству. И если ему в сложной жизненной ситуации не будет оказана юридическая помощь, или она будет оказана некачественно, то это может послужить толчком к формированию стойкого недоверия, отрицания, неуважения к закону, праву государства и его институтам. А этого нельзя допускать.***

Нам представляется, что именно создание правовых, материальных, организационных и иных гарантий реализации права человека на квалифицированную юридическую помощь, в том числе и бесплатную, в предусмотренных законом случаях, (что предусмотрено частью 3 статьи 13 основного закона - Конституции Республики Казахстан), совершенствование механизма реализации данного права - есть важнейшее условие повышения уровня доверия населения к праву, закону, государству, формирования в обществе высокой правовой культуры и правового сознания.

Когда это право станет реальностью, когда каждый человек в Казахстане может быть уверен, что в необходимых случаях он сможет получить качественную квалифицированную юридическую помощь - это станет залогом успеха дальнейшего успешного правового развития нашего общества, процветания нашей молодой республики, успеха политической реформы и модернизации экономики, вхождения в тридцатку развитых государств мира, и достижения иных стратегических целей Республики Казахстан. Недаром глава государства Н. Назарбаев в своей статье «Взгляд в будущее: модернизация общественного сознания» особо подчеркивает, что «начатые нами масштабные преобразования должны сопровождаться опережающей модернизацией общественного сознания. Она не просто дополнит политическую и экономическую модернизацию - она выступит их сердцевиной».

В русле «опережающей модернизации правосознания» разработан проект Закона РК «Об адвокатской деятельности и юридической помощи». Это насущная потребность современного времени, и она обусловлена целым рядом объективных факторов. На современном этапе созрел целый пласт взаимосвязанных общественных отношений, который нуждается в комплексном правовом регулировании. Среди таковых наиболее актуальными являются проблемы:

- отсутствия правового регулирования общественных отношений, возникающих при оказании юридических услуг целой армией субъектов оказания таких услуг (юридические компании, юристы коммерческих структур, частнопрактикующие юристы, корпоративные юристы);

- проблема установления высоких стандартов профессиональной деятельности субъектов оказания юридической помощи, прежде всего, адвокатов и представителей;

- повышения уровня квалификации адвокатов и представителей; - вопросы налогообложения, оплаты труда представителей;

- сложной остается проблема предоставления гарантированной государством квалифицированной юридической помощи, в том числе и бесплатной в случаях, предусмотренных законом.

Учитывая комплексный характер общественных отношений в сфере юридической помощи вполне понятно стремление органа-разработчика законопроекта охватить одним законом целый блок комплексных общественных отношений в сфере юридической помощи, привести эту сферу к определенному единообразию, единому правовому регулированию.

Ведь система законодательства - это не застывшее, статичное явление, а «живой организм», который растет, развивается, подвергается изменениям по мере изменения общественных отношений. Особенно это характерно для нынешнего стремительно меняющегося времени, когда как справедливо отметил Глава государства, «мир начинает новый, во многом неясный, исторический цикл». В этих условиях важно «сконцентрироваться, меняться через адаптацию к меняющимся условиям, взяв лучшее из того, что несет в себе новая эпоха».

Нужно отметить также сложившуюся потребность в систематизации законодательства, в том числе и путем принятия консолидированных актов, что также отмечается и в Концепции правовой политики Республики Казахстан на период с 2010 до 2020 года.

Поэтому речь идет не о том, чтобы «кого-то к чему-то присоединить». Суть рассматриваемого законопроекта заключается в правовом обеспечении оказания качественной, доступной юридической помощи населению, установления высоких стандартов профессиональной деятельности адвокатов и представителей, иными субъектами оказания юридической помощи, что в сегодняшних реалиях не должным образом реализуется.

Полагаем, что разработка проекта Закона «Об адвокатской деятельности и юридической помощи» вызвано именно этими предпосылками, а также приведения деятельности практикующих юристов в соответствие с международными стандартами, которые определяют общие принципы оказания юридической помощи и юридических услуг.

Подчеркивая ведущую роль адвокатуры, как ядра системы оказания гражданам юридической помощи, всеми заинтересованными субъектами (государственные органы, неправительственный сектор, адвокатское сообщество, учёные-юристы и другие) предложены достаточно интересные модели (переформатирования) оказания юридической помощи и придания ей нужной правовой оболочки.

Модели (читай мнения) разные: от архаичных (зачем ломать…;), категоричных (проекту Закона не может быть дан дальнейший ход;), до реалистичных (…изменения должны произойти), решительных (…напоминает нотариальное лобби, которое не хотело прозрачности).

Никто не остался в стороне.

Анализ норм законопроекта «Об адвокатской деятельности и юридической помощи» показал, что новшества последнего носят преюдициальную природу, то есть они (конечно обсуждаемы, но) данность сегодняшнего дня.

В целях нивелирования негативных последствий в процессе оказания качественной юридической помощи нами (ниже) подчеркиваются ВОСЕМЬ СТРАТАГЕМ, регламентированных в законопроекте «Об адвокатской деятельности и юридической помощи».

ВО-ПЕРВЫХ, прежде всего, важным положительным моментом проекта Закона является правовое регулирование деятельности частнопрактикующих юристов как субъ-



ектов оказания юридической помощи. Представляется, что это позволит придать новый импульс развитию юридических услуг. Предусмотренные законопроектом нормы о членстве в Палатах юридических консультантов будут способствовать не только повышению качества оказываемых услуг, но и объединению юристов по профессиональному признаку. Повышение качества будет достигнуто за счет предусмотренного проектом Закона квалификационного экзамена. Это будет способствовать самооздоровлению среды юридических представителей. Поэтому идея структурирования рынка юруслуг под эгидой Палат юридических консультантов, безусловно, является актуальной. Кроме того, внедрение такого новшества будет способствовать повышению конкурентоспособности субъектов, оказывающих юридические услуги, как адвокатов, так и юридических представителей, и консультантов.

ВО-ВТОРЫХ, дополнительно нужно отметить, что законопроектом не ограничивается количество палат юридических консультантов. Учитывая географию нашей страны данное положение должно сказаться на качественных и количественных показателях оказываемых юридических услуг в регионах. Положительным моментом в доступе к вступлению в данные палаты является то, что вступительные взносы предполагается запретить. Аналогичное введение коснется и коллегии адвокатов. Исключение данного барьера должно сказаться на доступе лиц к адвокатской деятельности. Думается, что здесь необходимо четко урегулировать объем дальнейших членских взносов, чтобы отмена первоначальных взносов не сказалась на последующих взносах.

В-ТРЕТЬИХ, согласно Концепции законопроекта представительство в судах будет осуществляться двумя самостоятельными институтами: адвокатурой и юридическими консультантами. Как известно, на сегодняшний день гражданско-процессуальное законодательство устанавливает, что представительство могут оказывать адвокаты, работники юридических лиц, уполномоченные профессиональных союзов, уполномоченные организаций, один из соучастников по поручению других соучастников, а также другие лица, имеющие высшее юридическое образование, допущенные судом по просьбе лиц, участвующих в деле. В указанной категорий лиц, наибольшее количество вопросов возникает к последней группе, т.к. качество оказываемых услуг частнопрактикующими юристами законодательно не регулировалось. И только у адвокатов есть обязанность по соблюдению правил, определяющих этические профессиональные нормативы, которые гарантируют качество оказываемой помощи. Подобных правил остальные юристы  не имеют.




В-ЧЕТВЁРТЫХ, учитывая зарубежный опыт предполагается определение уполномоченного органа выступающего в качестве государственного регулятора в сфере оказания юридической помощи.

В-ПЯТЫХ, законопроектом предусмотрена новая форма оказания юридической помощи - это комплексная социальная юридическая помощь, которая призвана повысить социальную ответственность практикующих юристов. Она не является новым для мировой практики. С учетом международного опыта данная помощь будет оказываться социально уязвимой категории лиц. При этом соблюдается принцип добровольности. Следует отметить, данная помощь реализуется не только адвокатами, но палатами юридических консультантов, иными организационно-правовыми формами некоммерческих организаций субъектов оказания юридической помощи, основанными на обязательном членстве. Возлагая на субъектов юридической помощи такую ответственность, и в целях повышения качества оказания комплексной социальной юридической помощи, проектом Концепции предусмотрены определенные стимулы (получение вознаграждения в определен-

ном размере от (5-10%) от имущественного взыскания, если оказание комплексной социальной юридической помощи привело к положительному результату; налоговые льготы в соответствии с Налоговым кодексом; присуждение почетных званий).

В-ШЕСТЫХ, однозначно, предложенные в законопроекте новшества позволят повысить уровень казахстанских адвокатов. Например, вопрос о необходимости повышения квалификации адвокатов. На данный момент Законом не определено обязательное количество часов и виды повышения квалификации, такие нормы отсутствуют и в ином законодательстве в сфере адвокатской деятельности.

При этом Основные принципы в отношении юристов, отраженные на восьмом Конгрессе ООН, гласят о необходимости непрерывного образования и постоянном совершенствовании знаний адвокатами и являются признанными международными стандартами профессии адвоката. Во многих странах профессиональные сообщества адвокатов разрабатывают специальные программы по регулярному образованию адвокатов на базе ведущих юридических вузов. Их прохождение является обязательным, несоблюдение этих требований является основанием для привлечения к дисциплинарной ответственности.

Поэтому, с учетом международного опыта, нормы об обязанности адвокатом постоянно повышать свою квалификацию являются обоснованными и необходимыми. Думается, что прохождение курсов повышения должно строиться на системной основе. Например, прохождение курсов повышения не менее 72 часов должно быть обязательным раз в три года. Предполагаем, что повышение квалификационных требований к лицам, претендующим на получение статуса адвоката, юридического консультанта будет способствовать улучшению качества оказываемых услуг.

И тут Академия правосудия не останется в стороне и готова предложить свои услуги по разработке и проведению специализированных курсов повышения квалификации адвокатов, представителей, оказывающих юридические услуги.

В-СЕДЬМЫХ, закреплено положение о внедрении Е-адвокатуры. Возможности Е-адвокатуры будут использованы при проведении аттестации, формирования списка адвокатов по гарантированной государством юридической помощи и т.д. (ст.32 Законопроекта). Согласен с мнением, что все это в скором времени приведет к повсеместному электронному производству по всем видам дел: гражданским, административным и уголовным для их полной прозрачности и доступности в виртуальном пространстве.




Поэтому для адвокатского сообщества необходимо иметь собственную платформу, посредством которой они смогут осуществлять свою деятельность в новых условиях.

Нужно отметить, что Верховный суд не остался в стороне и также предоставил свой сервис в рамках автоматизации судебных процессов.

В-ВОСЬМЫХ, обязательное страхование ответственности адвоката, юридического консультанта (вмененное страхование).

Для занятия адвокатской деятельностью необходимо заключение договора. При причинении вреда клиенту ему выплачивается определенная в договоре страховая сумма. При этом возможность страхования профессиональной ответственности адвоката находится в зависимости от его профессиональных качеств.

Учитывая вышеизложенное, нововведения проекта Закона РК «Об адвокатской деятельности и юридической помощи» являются насущной необходимостью, отвечают потребностям современного казахстанского общества, «звучат в унисон» со стратегическим курсом Республики Казахстан, и станут важнейшим шагом в деле гарантирования права каждого на квалифицированную юридическую помощь.

**Музаффар МАМАСИДДИҚОВ**
**юридик фанлар доктори, профессор,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий**
**гвардияси Ҳарбий-техник институти**
**бошлиғининг биринчи ўринбосари**



# Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: ЯНГИЛИКЛАР, КАФОЛАТЛАР, ИСТИҚБОЛ

***Бугун мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишлар босқичида халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, барчанинг фикрини билиш, дардини эшитиш ва ҳақиқий ҳаётга мос бўлган халқчил стратегияни амалга оширишнинг ҳосиласи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан адолат тамойили кун тартибидаги энг устувор масалалардан бири сифатида илгари сурилмоқда. Зеро, инсон манфаатлари устувор бўлган юртдагина юксалиш бўлади, бундай давлат фуқароси ҳар томонлама баркамол бўлиб, Ватан учун, халқ учун жони-жаҳонини фидо қилишга доимо тайёр бўлади.***

Давлатимиз раҳбари суд тизими вакиллари билан учрашувдаги нутқида соҳада эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни, таъбир жоиз бўлса, адолат тарозисида тортиб, хатоларни рўй-рост кўрсатган ҳолда истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилаб берди. Албатта, Президентимиз жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва адолатни қарор топтириш борасида аввалги нутқларида ҳам кўп бора тўхталиб ўтган эди. Бу гал Юртбошимиз куюнчаклик билан “Асосий вазифаси ва бурчи оқни – оққа, қорани – қорага ажратиш, адолатни ҳимоя қилишдан иборат бўлган судья қонунга, ўз касбига хиёнат қилса, одамлар додини кимга айтади? Адолат излаб қаерга боради?”, дея ҳақиқатни очиқ-ойдин гапирди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш жараёнларининг изчил давом эттирилиши, ўз навбатида ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш заруратини белгилаб берди. Ўзбекистон

Республикаси Конституциясининг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ҳамда демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши кафолатланди. Бу эса, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг энг самарали, таъсирчан ва демократик усулларидан бири бўлган суд орқали ҳимояни мумкин қадар кенгайтириш, суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга оширишни тақозо этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мустаҳкам таянчи ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини суд орқали самарали ҳимоя қилишнинг мустаҳкам асоси вазифасини ўтамоқда. Бироқ, мамлакатимизни ривожлантиришнинг замон ўртага қўяётган талаблари ва ривожланишнинг стратегик устувор вазифалари ҳозирги кунда бошқа соҳаларда бўлаётгани каби суд-ҳуқуқ тизимини ҳам янада ислоҳ қилишни, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Шунингдек, айни вақтда судларга тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпчиликни ташкил этаётгани, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳозирги замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган кафолатларини таъминлаш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда принципларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш зарурати суд орқали ҳимоянинг барча учун қулай ва самарали усулларини ишлаб чиқишни долзарб этиб белгиламоқда эди.

Бу эса ўз навбатида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилик тизимини ривожлантириш ва янада такомиллаштириш, қонунчиликдаги мавжуд нормаларнинг ҳаётга мукаммал татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни кучайтириш, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишни тақозо этди.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган мамлакатимизни ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш мақсадини кўзда тутувчи “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш назарда тутилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган усту-





вор йўналишларни ижро этиш мақсадида 2018 йил 23 январь куни беш бўлим, 47-боб ва 462-моддадан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК) қабул қилинди ва 2018 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг янги ФПКнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда судга мурожаат қилувчи шахсларга қулайлик яратиш ҳамда мурожаат шаклларига аниқлик киритиш мақсадида “судга мурожаат қилиш шакллари”, номли алоҳида модда белгиланди. Унга кўра, судга мурожаат қилиш фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича - даъво аризаси шаклида, буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек ФПКда назарда тутилган бошқа ҳолларда - ариза шаклида, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларига мурожаат этилганда - шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.

Ушбу ФПКда мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги белгиланди (ФПКнинг 4-моддаси). Дарҳақиқат, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга бу хилдаги аризалар билан мурожаат қилиш имкониятининг берилиши суд орқали ҳимоя учун қулайликлар яратади. Бу, ўз навбатида, одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳон тажрибасидан техник ривожланиш даражасининг турличалигидан келиб чиқиб, судга электрон шаклда мурожаат қилиш тартиби ҳар бир давлатда турлича кўриниш ҳосил қилганини билиб олиш мумкин. Хусусан, Сингапурда фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда мурожаат қилиш мажбурий тартиб сифатида мустаҳкамлаб қўйилган. Исроил, АҚШ ва Австралияда ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этиш кенг тарқалган ва у судга мурожаат қилувчи шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Янги ФПКнинг ижобий жиҳатларидан яна бири – унда фуқаролик ишларининг шаклланиши ҳамда уни расмийлаштириш тартибига оид нормалар ҳам ўз ифодасини топганлигидадир. Унга кўра, фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахслар, фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёки суд томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар ва суд ҳужжатлари асосида суд томонидан шакллантирилади. Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилиши мумкинлиги, бироқ мазкур ҳолатда фуқаролик ишининг қоғоздаги кўчирма нусхаси ҳам бўлиши мумкинлиги белгиланди.

Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ҳужжатларни судга электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Ишда иштирок этувчи шахслар ва фуқаролик суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари судга тақдим этган ёзма ҳуж-

жатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, суд ҳужжатлари судьянинг (судьяларнинг) электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади, суд мажлисларининг ҳамда процессуал ҳаракатларнинг баённомалари эса, раислик қилувчининг ва суд мажлиси котибининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Электрон тарзда шакллантирилган фуқаролик ишини бошқа судга ёки ўзга органга ўтказиш ахборот тизими орқали амалга оширилади.

ФПКда суд ҳужжатлари тушунчаси ва тизимига оид норманинг белгиланиши мутахассислар томонидан илгари сурилаётган айрим баҳс-мунозараларга чек қўйди. Хусусан, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва суд буйруғи қайси ҳолларда ва кимлар томонидан чиқарилиши масаласига ойдинлик киритилди. Унга кўра, суд кўрилаётган ва ҳал этилаётган масала бўйича ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилади.

Биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилади, ФПКнинг 18-бобида назарда тутилган ҳолларда эса, суд буйруғи қабул қилади. Суд қонунда ўзининг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш натижалари бўйича қарор чиқаради. Суд иш мазмунан ҳал этилмайдиган масалаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради.

Апелляция, кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор чиқаради (ФПКнинг 6-моддаси).

Мазкур ФПКда бир мунча тарқоқ ҳолатда бўлган Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари бир тизимга келтирилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, ФПКнинг 2-боби “Фуқаролик суд ишларини юритиш принциплари” деб номланиб, унда одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, қонун ва суд олдида тенглик. судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсуниши, тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, суд ишлари юритиладиган тил, суд муҳокамасининг ошкоралиги, суд муҳокамасининг бевоситалиги ва оғзакилиги, ишларни қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилиш, ишнинг ҳақиқий ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини суд томонидан аниқланиши, суд ҳужжатларининг мажбурийлиги каби муҳим принциплар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ушбу принциплар мазмунан бойитилган ва замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилган. Масалан, аҳамияти ва моҳияти бўйича алоҳида вазифани бажарадиган одил судловнинг фақат суд томонидан ҳамда фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга оширилиши принципи иккига ажратилди.

Суд муҳокамасининг ошкоралиги принципи эса, замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилди. Хусусан, суднинг ёпиқ мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари тарафларнинг розилиги билан ёки шахсини кўрсатма-






ган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкинлиги, бундан суднинг ёпиқ мажлисида қабул қилинган суд ҳужжатлари мустасно эканлиги билан боғлиқ нормалар шулар жумласидандир. Бинобарин, суднинг расмий веб-сайти орқали ахборот олиш имкониятининг яратилиши суд ишларининг сонини камайишига ёрдам беради, чунки суднинг иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарганлиги айни шу иш бўйича судга қилинаётган мурожаатларнинг олдини олади. Суд ҳал қилув қарорининг эълон қилиниши судьяларни иш юзасидан ўз қарорларини аниқ асослашига ундайди. Чунки унинг томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари матбуот орқали ёки олимлар ва таҳлилчилар томонидан танқидга учраши мумкин.

Суд ҳал қилув қарорларининг жамоатчилик учун очиқлиги бўйича хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, масалан, Германия ва Францияда суд ҳал қилув қарорлари жамоатчилик учун очиқ бўлиб, айрим ҳолларда жиддий асослар мавжуд бўлганида тарафларнинг номлари ошкор қилинмайди. Айниқса, Францияда олий суд инстанцияларининг ва маъмурий судларнинг қарорларини тарқатишнинг самарали механизмлари яратилган ва бу борада “Legifrance.gov.fr” номли Интернетдаги ҳуқуқий ахборот сайтининг алоҳида ўрни мавжуд. Мазкур ҳуқуқий ахборот сайтида ҳуқуқнинг барча манбаларидан, шу жумладан, Франциянинг олий суд инстанцияларининг қарорлари билан бемалол танишиш мумкин.

Буюк Британияда ҳам худди шунга ўхшаш ҳолатлар мавжуд бўлиб, қизиқарли бўлган суд қарорларини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам равишда чоп этиб бориш анъана тусига кирган. Масалан, “Лондон Таймс” газетаси деярли ҳар куни сўнгги вақтларда бирмунча қизиқарли бўлган суд ишлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача ахборотини чоп этиб боради. Ҳар чоршанба куни нашрга чиқадиган “Лоу Таймс” газетасида эса, бутун бир боб қонунчилик ва суд амалиётига бағишланган. Шунингдек, Лордлар Палатасининг махсус сайтида (http://www.publications.parlament.uk/pa/ld) Бирлашган Қироликнинг барча ҳудудидаги олий суд инстанцияларининг қарорларини, иш муҳокамасига доир бошқа маълумотларни олиш мумкин. Мазкур сайтда муқаддам, яъни 1966 йилдан бошлаб қабул қилинган суд қарорлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиш мумкин.

Суд қарорларининг очиқлиги бўйича АҚШ тажрибасига тўхталадиган бўлсак, судлар томонидан қабул қилинган ва рўйхатдан ўтган барча ҳужжатлар билан аҳоли суд клерки офиси орқали танишиб бориш имкониятига эга. Суд ҳал қилув қарорларини нафақат электрон шаклда, балки чоп этилган шаклда ҳам олиш имконияти мавжуд. Хусусан, АҚШнинг барча суд қарорлари шу судларга тегишли бўлган нашрларда тўплам сифатида чоп этиб борилади ва мазкур нашрлар барча юридик кутубхоналарда мавжуд.

Янги ФПКнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – бу тарафлар ўртасида тузиладиган келишув битимига алоҳида эътибор берилганлигидир. Зеро, фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг нисбатан юқори бўлган иш ҳажмининг камайтирилишида суд мажлисига қадар тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, аввалги қонунчиликда тарафлар ўртасида тузиладиган келишув битимларига етарлича эътибор берилмаган. Бундан фарқли ўлароқ янги ФПКда “Келишув битими”га махсус боб

ажратилиб, унда келишув битимини тузиш, келишув битимининг мазмуни, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, келишув битимини тасдиқлашни рад этиш масалалари батафсил белгилаб қўйилди (17-боб).

Кўп йиллар давомида келишув битими тўғрисидаги нормаларнинг амал қилмай келаётганлигига асосий сабаб, ФПКда келишув битимини ижро этиш механизми ва уни ижро этмаган шахсларга нисбатан аниқ чоралар белгиланмаганлиги бўлди. Ўз навбатида янги ФПКда келишув битимини тузган шахслар уни ушбу битимда назарда тутилган тартибда ва муддатларда ихтиёрий равишда ижро этиши, суд томонидан тасдиқланган келишув битими, ушбу битимда назарда тутилган муддатларда ихтиёрий равишда ижро этилмаган тақдирда, у келишув битимини тузган шахснинг илтимосномасига, суд харажатларини ундиришга тааллуқли қисми эса суднинг ташаббусига кўра суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида, ФПК қоидалари бўйича мажбурий ижро этилиши лозимлиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди (ФПКнинг 168-моддаси).

Айрим хорижий давлатлар қонунчилигида фуқаролик ишларини келишув битими тузиш йўли билан якунлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Хусусан, суд мажлисига қадарли низоларни келишув битими тузиш орқали ҳал этишнинг афзалликлари Германия “Суд харажатлари тўғрисида”ги низомида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида ўзаро келишув битими тузишга келишиб олсалар ва ушбу келишув суд музокараларига қадар амалга оширилган бўлса, у ҳолда тарафлардан суд харажатлари ундирилмайди, меҳнат ишлари бўйича Ер ва Федерал судларда эса, суд харажатларининг ярми ундирилади. Бу эса, мазкур Низомнинг тарафлар ўртасида келишув битимини тузилишида рағбатлантирувчи омил вазифасини бажариб келаётганлигини кўрсатади.

Шунингдек, Францияда судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Келишув бўлимида иш кўришнинг муҳим процессуал хусусиятлари сифатида ушбу босқичда иккала томондан сайланган судьяларнинг иштирок этишини эътироф этиш мумкин. Ушбу босқичда ҳар икки судья тарафларни ишни келишув асосида тугатишга чақирадилар. Ўз навбатида, келишувга эришиш бир томоннинг даъводан воз кечиши ёки иккала томоннинг ҳам ўзаро тенг манфаатлари асосида келишув битимларини тузишларида ўз аксини топади. Фуқаролик ишлари юзасидан тузилган келишув битимини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган усулининг қўл-



ланилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Жумладан, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Шунингдек, тарафларнинг келишув битими суд ҳал қилув қарорлари каби кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармон билан тасдиқланган 2017 йил Давлат дастурида электрон тар-

тибда суд ишини юритишнинг замонавий шакл ва усулларини, шу жумладан, процесс иштирокчилари билан ўзаро электрон ҳамкорликни амалга ошириш, видеоконференцалоқадан фойдаланишни, шунингдек, процессуал ҳаракатларни видео, аудио қайд этишни, суд-тергов жараёнларини стенограмма қилишнинг янги турларини кенгроқ жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди (73 ва 82-бандлар).

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ушбу Қарорга илова сифатида 2017-2020 йилларда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича Дастурнинг қабул қилиниши бу соҳадаги ишларни янада илдамлашига туртки бўлди.

Янги ФПКда ҳам судлар фаолиятига, айниқса, фуқаролик процессига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, ФПКнинг 208–моддасига кўра, очиқ суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. ФПКда назарда тутилган суднинг видеоконференцалоқа режимидаги мажлисида бевосита иштирок этиш оғзаки шаклда ўтказиладиган суд мажлисида иштирок этишга тенглаштирилади.

Суднинг ташаббусига кўра ёки суд процесси иштирокчиларининг илтимосномаси билан суд мажлисининг аудио- ёки видеоёзуви олиб борилиши мумкин.

Суд мажлисини видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш зарур бўлган тақдирда, шунингдек, суд мажлисида аудио- ёки видеоёзув воситаларидан фойдаланилганда суд ишда иштирок этувчи шахсларни ва суд процессининг бошқа иштирокчиларини бу ҳақда огоҳлантиради.

***Францияда судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади.***

Суд мажлиси залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдлар қилиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини фототасвирга тушириш, аудио- ва видеоёзувини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида трансляция қилинишига тарафларнинг розилиги ва суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади.

ФПКнинг 209-моддасида видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш тартибига оид нормалар белгиланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва одил судловни таъминловчи процессуал механизмларни янада такомиллаштириш ҳозирги кунда мамлакатимизни янада ривожлантириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ ислоҳотларни ривожлантириш шароитида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифа фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, бинобарин, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси нормалари орқали самарали амалга оширилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган. Зеро, халқаро стандартлар, миллий қонунчилик тажрибаси ҳамда ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигининг илғор тажрибалари асосида ишлаб чиқилган мазкур Кодекс фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилишига хизмат қилади.

# МУНДАРИЖА

Русланбек ДАВЛЕТОВ, Янги ҳуқуқий маърифат минбари..........................4-9

Ҳалимбой БОБОЕВ, **рукн:** МЕЗОН, МОҲИЯТ, МАСЪУЛИЯТ
“Ҳуқуқ нима – ҳуқуқшунос ким?...............................................................10-13

Акмал САИДОВ, **рубрика:** НАУКА И ПРАКТИКА
О соотношении юридической практики, науки и образования
в контексте становления и развития отечественной юриспруденции..........14-18

**рубрика:** Важная информация, МОПС............................................................19

Мавлуда ПЎЛАТОВА, **рукн:** ЯНГИ ДАВР НАФАСИ
Ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга ошириш: бош мақсад
инсон манфаатлари........................................................................................20-23

Мирзатилло ТИЛЛАБАЕВ, **рубрика:** ПРОЦЕСС Повышение
квалификации юридических кадров: практика и перспективы.................24-28

Омон ОҚЮЛОВ, **рукн:** МЕНИНГ ФИКРИМ Замонавий
юрист портретига чизгилар................................................................................29

Дилшод АРИПОВ, **рукн:** ЯНГИ ҚОНУН ЮРИСТ НИГОҲИДА
Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс:
таҳлил ва қиёс...................................................................................................30-35

Fumito SATO, Japanese Experience in Legal Training..................................36-41

Marion Caussanel, Training of French judges...............................................42-45

Бобокул ТОШЕВ, **рукн:** ДУНЁ ДАРЧАСИ Юридик таълим:
миллий ва хорижий тажриба, Германия тажрибаси мисолида ..................46-49

**рукн:** ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР, Судьялар одоб-ахлоқининг
Бангалор принциплари......................................................................................50-56

Declaration of judicial training principles............................................................57

Толеш КАУДЫРОВ, **рубрика:** МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА Восемь
стратегам проекта закона Республики Казахстан
“Об адвокатской деятельности и юридической помощи”..........................58-61

Музаффар МАМАСИДДИҚОВ, **рукн:** ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси:
янгиликлар, кафолатлар ва истиқбол.........................................................62-68

**“Юрист ахборотномаси.
Вестник юриста.
Lawyer herald”
илмий-амалий журнали**

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази



**Таҳрир кенгаши:**

**М. А. Тиллабаев** – *Юристлар малакасини ошириш маркази директори, ю.ф.н., доцент, таҳрир кенгаши раиси;*

**А. Х. Саидов** – *Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ директори, академик, ю.ф.д., таҳрир кенгаши аъзоси;*

**Х. Б. Бобоев** – *Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;*

**А. Б. Ғафуров** – *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, ю.ф.н., доцент, таҳрир кенгаши аъзоси;*

**О. Оқюлов** – *Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, ю.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, таҳрир кенгаши аъзоси;*

**Т. Е. Каудыров** – *Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси ректори, ю.ф.д, профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;*

**Элизер Ривлин** – *Судьялар тайёрлаш халқаро ташкилоти президенти, Исроил Олий суди собиқ судьяси, таҳрир кенгаши аъзоси.*

**Таҳрир ҳайъати:**

**Х. Т. Маматов** – *Марказ директорининг ўқув-услубий ва илмий ишлар бўйича биринчи ўринбосари, ю.ф.д., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;*

**М. М. Мамасиддиқов** – *Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти бошлиғи ўринбосари, ю.ф.д., профессор таҳрир ҳайъати аъзоси;*

**Л. А. Саидова** – *Юристлар малакасини ошириш маркази Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;*

**Б. И. Исмоилов** – *Юристлар малакасини ошириш маркази Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;*

**Ғ. Алимов** – *Юристлар малакасини ошириш маркази Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;*

**У. Аюбов** – *Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.н., таҳрир ҳайъати аъзоси;*

**А. Мўминов** – *Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси.*

**Бош муҳаррир:**
Бобоқул ТОШЕВ

**Ижодий гурух
Муҳаррир:**
Мавлуда ПЎЛАТОВА

**Саҳифаловчи дизайнер:**
Шокиржон АЛИБЕКОВ

**Мусаҳҳиҳ:**
Комилжон НИЁЗОВ

Манзил: 100052, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Катта Дархон кўчаси, 6-уй

Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигидан
12.03.2018 йилда 0963-рақам
билан рўйҳатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади. Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 07.05.2018 да
рухсат берилди.
Бичими 60/84 1/8, 9 босма табоқ
Буюртма №
Адади 1000

**Х.Т “PRINT. UZ”**
босмахонасида чоп этилди
Босмахона манзили: 100015,
Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси,
41/2-уй

# Юристлар малакасини ошириш маркази фаолиятидан фотогалерея










